


Е. Х. ТҮРАҚУЛОВ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН
БИОЛОГИЯСИ
ВА ИРСИЯТ
МАСАЛАЛАРИ

Ю 57
Т 97
g2



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-1969

Биологик ҳодисаларни физика ва кимё фанлари нүктаи на-
заридан таҳлил қилиши мамлакатимизда узоқ йиллар давомида
механицизм деб ҳисоблаб келинди. Бироқ молекуляр биология
эршигани ютуқлар физика ва кимёвий экспериментларда ҳаёт-
нинг баъзи бирор элементар жараёнларини қайтадан вужудга
келириш мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Е. Х.
Тўрақулов ўзининг китобчасида мазкур фан қандай ривож
топганлиги, унинг ирсият ва ўзгарувчалик сирларини қандай
очаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Китобча фан ва амалиёт билан шуғулланувчи барча со-
ҳалардаги биологларнинг ўз билимларини оширишларига ёр-
дам беради.

Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақидаги умумий тасаввурлар инсониятга қадим замонлардан бери маълум. Мазкур тасаввурлар асрлар давомида системага тушди, борган сари кенгайди, чуқурлашди ва бизнинг тирик организмлар тўғрисидаги ҳозирги тушунчаларимизга асос бўлди. Табиатшуносликнинг энг қадимий ва асосий соҳаларидан бири бўлган биология мана шу хилма-хил тирик мавжудотларнинг сон-саноқсиз хусусиятларини ўрганади.

Биология фани XIX асрда айниқса тез ривожланди. Худди мана шу даврда бошқа табиий фанларда бўлгани каби, биологияда ҳам катта ўзгаришлар бўлди, тирик организмнинг тузилиши, ривожланиши ва функцияланиши қонуниятлари тўғрисидаги қараашлар умумлаштирилади.

Жонли мавжудотларнинг ҳаммасининг тирик нарсалардан келиб чиқишини тасдиқловчи биогенез ҳақидаги таълимот биология фанидаги энг йирик умумлашмалардан бири бўлди. Мазкур таълимот тирик организмлар жонсиз моддалардан табиий равишда (ўз-ўзидан) пайдо бўлганлиги тўғрисидаги ўрта аср диний-мистик уйдирмалар ва ғайриилмий, хаёлий қараашларга барҳам берди.

Барча тирик организмлар ҳужайралардан тузилган деган фикрнинг эътироф этилиши XIX аср ўттизинчи йилларининг охирида қилинган муҳим кашфиёт бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида биологиянинг ривожланиши учун замин бўлган бу таълимот тирик мавжудотлар оламини билишнинг цитологик даражасини ташкил этади. Шу тариқа ҳужайраларнинг тузилиши ва функцияси аста-секин чуқурроқ ҳамда муфассалроқ ўрганила бориши сабабли айrim ҳужайра, системалар ва бутун организм фаолияти тўғ

рисидаги ҳозирги тасаввурларимизнинг илмий асослари яратилди.

Эллигинчи йилларнинг охирида англиялик буюк олим Чарльз Дарвин яратган органик дунёнинг эволюция назарияси XIX аср фани эришган энг муҳим ютуқ бўлди. Эволюция назарияси ҳақидаги таълимот ўсимлиларни ва ҳайвонларнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги ғайрилмий тасаввурларни ва одамнинг пайдо бўлишига оид диний Фикрларни рад этди ҳамда тирик дунёнинг ривожланиши ҳақидаги ғояни тасдиқлади. Ердаги мавжуд ҳайвон ва ўсимлик турлари, илгари ҳисоблаб келинганидек, ўзгармас эмас, балки табиий танланиш йўли билан узоқ даврлар мобайнида эволюцион (астасекин) ривожланиши натижасида, яшаш учун кураши жараёнида пайдо бўлгандир. Ч. Дарвин таълимоти яратилгандан сўнг умумий боғланиш ва ривожланиш тўғрисидаги ғоя фанларнинг бошқа соҳаларига ҳам дадил кириб борди ва илмий тафаккурнинг кейинги йўналишига жуда зўр таъсир кўрсатди.

Биологияда XIX асрда эришилган ютуқлар орасида Грегор Менделнинг бундан 100 йил муқаддам кашф этган ирсият қонунлари ва ирсият бирликлари сифатида факторлар ҳақидаги таълимоти алоҳида ўрин тутади. Мазкур таълимот кейинчалик генлар назарияси яратилишига асос бўлди. Бу назарияга мувофиқ организмларда дискрет молекуляр комплекслар бўлиб, улар бир наслдан иккинчисига, аввалгисида бўлган ирсий белгиларнинг ҳеч ўзгаришсиз янги организмга ўтишини таъминлайди. Ирсиятнинг генлар назарияси ҳозирги вақтда айниқса жадал ривожлана бориб, генларнинг моддий табиатини, генетик информацийни реализация қилиш механизмларини ва уларни айрим индивидуал ўзига хос ривожланиш жараёнида тартибга солиб туришни билиб олишга тобора яқинлашмоқда.

XIX асрда биогенетик қонун ёки рекапитуляция қондаси ҳам кашф этилди. Мана шу қондага кўра, организмнинг онтогенетик (индивидуал) ривожланиш жараёнида олдинги эволюцион авлодлар ривожланишини тегишли босқичларидан баъзиларини такрорлаш ёхуд қайтариш хусусияти бор. Масалан, одам эмбриони ривожланишининг узлуксиз босқичларида аввал балиқ эмбрионига, кейин рептилия эмбрионига ўхшайди ва ҳоказо.

Биологиянинг XIX асрда кенг миқёсда ва ҳар томонлама ривож топган ютуқларидан яна бири — бу, организм билан ташқи муҳит ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимотdir. Бу таълимотга биноан тирик материя ривожланишнинг барча босқичида ташқи муҳит билан бирликда бўлади, ҳар бир организмнинг, унинг ҳар қайси қисмининг ҳам ўз ташқи муҳити бор, улар мана шу муҳит билан бир бутунликни ташкил этади. Организмнинг атрофни қуршаб олган табиат билан алоқасини ўрганиш табиатда ҳайвонлар билан ўсимликларнинг биргаликдаги тўплари (ценозалар), популяцияларнинг ўзаро боғлашилари ҳақидаги таълимотларнинг яратилишига, шунингдек, биология фанида экологик йўналишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

XIX аср биологиясидаги бундай муҳим умумлаштиришлар XX асрда биологик фанларнинг зўр бериб ривожланишига сабаб бўлди. Тирик организмларнинг функцияси ва структураси тўғрисидаги тасаввурларнинг жiddий ўзгариши кўз ўнгимизда содир бўлди. Буларнинг ҳаммасига, биринчи галда биологик ҳодисаларни ўрганишда кимё ҳамда физика методларидан ва улардаги ғоялардан ўринли фойдалана билиш туфайли мусассар бўлинди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН БИОЛОГИЯСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

XIX аср биологияси асосан тирик организмлар, уларнинг айrim аъзолари ва системаларнинг тузилиши, фаолияти ҳамда ривожланишининг қонуниятларини очиб берган бўлса, XX аср биологияси ана шу организмлар фаолияти, ривожланиш жараёнлари қандай йўл ва механизmlар билан амалга оширилиши ҳамда бошқарилишини текширмоқда. Бу ҳол ҳужайралар микродунёсига кириб борилиши, ҳужайраларнинг молекуляр, молекуладан юқори ва ҳужайрадан қўйи даражада ташкил топган компонентлар структураси ва функциясини ўрганиш сабабли мумкин бўлди.

Ҳужайралар оламига бундай дадил кириб бориш учун XX асрнинг иккинчи чорагидаёқ пазарий ва техни-

кавий шарт-шароит яратилган эди. Физик, физик-кимёвий усулларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг биологик обьектларни чуқур тадқиқ этишда кенг қўлланилиши биологларнинг билим даражасини бекиёс кенгайтириб юборди.


ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОПДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хужайра ва унинг компонентлари ичкарисига кириб боришда 10^1 ангстремча буюклидаги майда заррачаларни ҳам кўрсатиш қувватига эга бўлган электрон микроскоп муҳим восита бўлди.

Микроскопнинг кўрсатиш қуввати дейилганда иккита обьект бир-бирига қўшилиб кетмай, алоҳида-алоҳида кўриладиган шу обьектлар орасидаги энг қисқа масофа тушунилади. Кўрсатиш қуввати максимал катталашгириб бериши билан белгиланади Оддий ёруғлик микроскопи энг кўпи билан 1500 марта катталашириб бера олади, бу 2 микрон қўрсатиш қувватига тенгdir. Ёруғлик манбаи сифатида ультрабинафша нурлар ишлатиладиган ультрамикроскопдан фойдаланилганда бунга қараганда бир неча бор каттайтириб кўрсатишга мұяссар бўлниади. Шунга қарамай, бу хил микроскоп ёрдамида ҳам ҳужайралар структурасининг айrim бўлакларини эмас, балки унинг айrim таркибий элементларнингина кўриш мумкин, холос.

Ёруғликнинг тўлқинли табиатидан шу нарса назарий жиҳатдан исботланган ва амалиётда кўп марта тасдиқланганки, микроскопнинг кўрсатиш қувватини фойдаланилаётган ёруғлик манбаи тўлқинлари узунлигининг ярмидан анча-мунча қисқа бўлган масофани фарқлай оладиган даражада ҳаддан зиёд юқори қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёруғлик манбаи сифатида рентген нурларидан фойдаланилган микроскоплар синаб кўрилди. Бироқ бир қатор техник сабабларга қўра улар яхши самара бермади. Электронлар тарами ишлатилганда маз-

1. А — ангстрем сантиметрнинг юз миллиондан бир улуши.



1-расм. Электрон микроскоп түзилишининг схемаси.

кур проблемани дурустроқ ҳал қилишга мұваффақ бўлинди. Электрон микроскоплар ана шу тарзда яратилди. Мазкур микроскоплар экспериментаторларнинг кенг кўламда кузатиш ишлари олиб боришилари учун жуда қўл келди. Электрон микроскопларда сим толалардан чиқаётган электрон тарамлари тезлашади ва электронлар ўз йўлида газ молекулаларига дуч келиб қолмаслиги учун етарли даражада юқори вакуумга келади. Бу ерда улар электр ҳамда магнит майдонлари ёрдамида бир ерга тўпланиб, текширилаётган нусха орқали флуоресцирловчи экран ёки фотопластинкага тушади.

Қирқинчи йилларнинг бошларидаёқ электрон микроскоплар биологик обьектларни текширишда гарчи хийла кент ишлатилган бўлишига қарамай, фақат 1947 йилга келиб уларнинг кўрсатиш қуввати 10 ангстремга етказилди. Аммо ҳали бундан бирмунча қалин биологик препаратларни текширишда фойдаланиб бўлмас эди. 1950 йилдан кейин ҳужайра компонентларининг нафис структураларини текширишда айниқса улкан ютуқларга эришилган бўлса, бунинг сабаби электрон микроскопларнинг кўрсатиш қувватини яна ҳам оширишда эмас, балки юпқа кесмаларни қайд қилиш ва тайёрлаш усулларини такомиллаштиришга боғлиқдир.

Шундай қилиб, электрон микроскоп тадқиқотчилар олдида узоқ вактлардан бери муаммо бўлиб келаётган ёруғлик микроскопи кўрсата олмаган катталиқдаги ҳужайра структураси устидаги никоб пардан олиб ташлаш проблемасини ҳал этди.

Электрон микроскоп ҳужайранинг нозик структураси ва унинг компонентларининг анча кўп эканлигини аниқлаб берди, бу янги кашф этилган структураларнинг сони икки юз йилдан бери ишлатилиб келаётган ёруғлик микроскопи ёрдамида аниқланган структуралар сонидан кўп марта ортиқ бўлиб чиқди. Электрон микроскоп ҳужайра заррачаларининг ички тузилишинигина эмас, шу билан бирга айрим йирик молекулалар ҳамда уларнинг қуи единицалари (таркибий қисмларини) ҳам кўриш имконини берди.

УЛЬТРАЦЕНТРИФУГАЛАШ

Ультрацентрифуга ҳам янги биология учун энг кучли воситалардан бири ҳисобланади. Бу асбоб минутига юз


минг мартага яқин айланишда ҳужайранинг жуда майда алоҳида қисмлари — ядрои, пардаси, митохондрия, рибосома ва бошқа компонентларини ажратиб олиш ҳамда уларнинг структураси ва функциясини текширишга имкон беради.

Алоҳида ҳужайра компонентлари, юқори молекуляр моддаларни ажратиш, тозалаш ҳамда соғ ҳолда препаратив олишда, шунингдек уларнинг гомогенлигини текшириш ва заррачаларнинг молекуляр вазнини аниқлашда ультрацентрифугалашдан фойдаланилади. Ажратиш ва текширишнинг мазкур барча йўллари юқори кучланишли майдон ҳосил қилиш йўли билан вужудга келтирилладиган оғирлик кучининг тезланишига асосланади. Зичлиги жам бўлган суюқликдаги эримай қалқиб юрган заррачалар оғирлик кучи таъсирида идиш тубига чўка бошлайди. Агар бошқа таъсири кўрсатадиган нарсалар бўлмаса, у ҳолда мазкур заррачаларнинг идиш тубига чўкиш тезлиги фақат уларнинг зичлиги, шакли ва катта-кичиклигига боғлиқ бўлган бўлур эди. Афсуски, аслида бундай эмас, чунки бунда бир қатор физик ҳодисалар (заррачаларнинг иссиқлик ёки Броун қонуни бўйича ҳаракатлари ва бошқалар)ни ҳисобга олишга тўғри келади. Шундай бўлишига қарамай, муайян шароитда айrim алоҳида заррачаларнинг чўкиш тезлигини тўғри аниқлаш, шунингдек, мана шу хоссадан фойдаланиб уларни бўлиш — ажратиш ҳам мумкин.

Заррачалар массани тезлатишга зарб ҳосилига тенг бўлган оғирлик кучи таъсири сабабли чўкади. Бироқ катталиги бир микрондан кичик бўлган заррачаларни обьектларни фақат биргина оғирлик кучи воситасида кузатиш йўли билан амалда текшириб бўлмайди. Одатда заррача қанчалик кичик бўлса, у шунча секун чўкади, бинобарин, айтайлик оқсил молекуласининг ёки вирус заррачасини уларнинг чўкишини тезлаштирмасдан туриб ажратиш учун жуда кўп вақт керак бўлур эди.

Чўкиш жараёнини тезлаштириш мақсадида ершинг тортиш кучи ультрацентрифугада пайдо бўладиган марказдан қочирма куч билан алмаштирилади. Энг мукаммал ультрацентрифуга ясаганлиги, аналитик центрифуглаш усулини такомиллаштирганлиги ва макромолекулаларни текширишда ундан фойдаланишга доир кўплаб мисоллари учун фан швед олими Сведбергдан миннат-

Гомогенлайш



2-расм. Хужайраларни фракциялаш методи схемаси.

дордир. Сведберг ультрацентрифугани ясаш ҳамда уни ишлатиш устида 1923 йилда иш бошлаган эди. У ўзи ижодий меҳнат қилиб, ультрацентрифугани борган сари такомиллаштириб борди ва фанга ҳужайрани соф ҳолда ажратиш ҳамда унинг энг кичик компонентларини текширишнинг қудратли воситасини ҳадя қилди.

Ҳужайраларни таркибий қисмларга ажратишнинг ҳозирги замон усуслари тўқималарни гомогенизациялаш ёки ҳужайра чегараларини турли-туман механик ёхуд кимёвий воситалар ёрдамида бузиш йўли билан уларнинг зичлиги ва сиртининг катта-кициклигига мувофиқ равишда бўлакларга ажратишдан иборатdir. Ҳужайрадан қуйи даражада ташкил топган фракцияларни ажратиб олиш учун муайян вақт давомида турли айланиш тезлигига центрифугалашдан фойдаланилади (бунда оғирлик кучи ҳам турли катталиқда тезлатилади). Қуйинда ҳужайра компонентларини фракцияларга ажратиш схемаси келтирилган. Мана шу тарзда олинган алоҳида айrim фракциялар кейинчалик биокимёвий ва бошқа усуслар ёрдамида текширилади. Дифференциал центрифуглаш йўли билан ҳужайранинг энг майдага заррачалири: мембранны (пардаси), ядроси, митохондрия, микросома ва бошқалар ажратиб олинади, уларнинг кимёвий таркиби ва биокимёвий активлиги ўрганилади.

НИШОНЛИ АТОМЛАР УСУЛИ

Илмий текширишда *нишонли атомлар*, яъни шу номдаги атомлар элементнинг бошқа атомларидан массаси ёки радиоактивлиги (нурлар ажратиши) билан Фарқ қиладиган кимёвий элементлар изотоплари ишлатила бошлангандан кейин моддалар алмашинуви, молекуларнинг биологик синтези (биосинтези) на янгиланишини ўрганишда айниқса катта ютуқларга эришилди. Ҳозирги пайтда барча биоген элементларнинг радиоактив (α ва β —заррачалар ва γ —квантлар ажратадиган) ва стабил (массаси бўйича фарқланувчи) изотоплари жуда қўл келаётir, улар биология соҳасида олиб бориладиган экспериментал тадқиқотларда кенг қўлланилмоқда. Албатта, организмда моддалар алмашиш жараёнларини текшириш учун оқсил, нуклеин кислота, ёғлар, ёғсимон моддалар (липоидлар) ва углеводлар молекуласи таркибига, яъни ҳужайраларнинг асосий кимёвий ком-

понентларига киравчи элементларнинг изотоплари кўпроқ аҳамиятга эгадир. Радиоактив, оғир углерод C^{14} , оғир водород дайтерий D ва радиоактив водород тритий T_3 , оғир азот N^{15} , оғир кислород O^{18} , фосфор P^{32} ҳамда олтингугурт S^{35} ларнинг радиоактив изотоплари ана шулар жумласидандир. Бу элементлар бирикмалар (нишонли бирикмалар) таркибида организмга юборилиши мумкин ва мазкур элементларнинг специфик активлиги, яъни изотоп миқдорининг ўзгариши асосида молекулалар қайдаражада ўзгариб боришини кузатса бўлади. Масалан, нишонли C^{14} нуклеотидлардан фойдаланиб нуклеин кислоталарининг синтезланишини ўрганиш мумкин. Бунга радиоактив фосфор P^{32} дан фойдаланиш йўли билан ҳам эришса бўлади, чунки фосфор нуклеотид ва нуклеин кислоталарнинг зарур компоненти ҳисобланади ва айни вақтда протеинлар ва ҳужайраларнинг фоғолипидлардан бўлак бошқа кимёвий компонентлари таркибида деярли учрамайди. Худди шунингдек таркибида C^{14} бўлган нишонли аминокислотадан фойдаланиб ҳам оқсилнинг синтезланиш тезлигини осонгина аниқлаш мумкин, чунки оқсил молекуласида радиоактивликнинг ортиши (кучайиши) мазкур аминокислотанинг янги ҳосил бўлган молекула таркибига кирганлигидан далолат беради.

Нишонли атомлар усули турли-туман бирикмаларнинг вужудга келиши ва алмашинувини ҳамда биокимёвий реакциялар механизмини ўрганишда ҳам кенг қўлланилаётир. Қуйироқда биз мана шу усул ёрдамида молекуляр биологиянинг баъзи қийин масалаларини муваффақият билан ҳал этилганлигига доир бир неча мисоллар келтирамиз.

Хромотографик анализ ва электрофорез ҳам ҳозирги замон биологиясининг ана шундай ажойиб усулларидандир. Моддаларнинг шимилиши (адсорбцияланиши), эриш ёки электр майдонида силжиш қобилияти турлича бўлишига асосланган мазкур усуллар текширилаётган нусханинг жуда кам миқдоридан фойдаланиб, мураккаб арашмаларни бўлакларга ажратиш ва уларнинг алоҳида компонентларини парчаламасдан олиш имконини беради. Ҳужайра ва биологик суюқликларнинг гидролизлангандан кейинги кимёвий таркиби ҳақида олинган янги батафсил маълумотларга ҳам шу усулларнинг у ёки бу тарздаги кўринишидан фойдаланиш орқали мусассар бўлинди. Жонли материя ва унинг таркибини анализ қилиш

учун юқорида айтилғанлардан ташқари яна бир қатор бошқа усул ва анализ қилиш йўллари ҳам ишлаб чиқилди ҳамда улардан илмий текшириш ишларида самарали фойдаланилмоқда. Масалан, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган нурларнинг турли жойдаги спектрларини ўлчаш, нозик манометрик, электрографик усуllар шулар жумласидандир.

МОЛЕКУЛЯР БИОЛОГИЯ

Ҳужайра структураси ва функциясини ҳамда унинг таркибий қисмларини ҳозиргина тилга олиб ўтилган янги усуllарни қўллаш йўли билан текширишни нозик биологик экспериментларга қўшиб олиб бориш, олинган фактларни талқин этишда физика ҳамда кимёдаги foялардан фойдаланиш оқибатида ижобий кашфиётлар қилинди. Бунинг натижасида сўнгги 20 йил ичида бизнинг биологик жараёнларнинг морфологик ва функционал негизи ҳақидаги тасаввурларимиз сифат жиҳатдан тубдан ўзгарди. Ҳаётнинг барча энг муҳим функция ва кўринишлари (ирсият, ўзгарувчанлик, ўсиш ҳамда ривожланиш, ҳаракат, ҳужайра энергияси, иммунитет ҳодисаси, вируслар таъсири, зарарли ўсимта ва наслий касалликларнинг табиати) ана шу янги тасаввурлар асосида текширила бошланди ҳамда улар молекула ва молекуладан юқори даражада ташкил топган структуралар ўзаро таъсирининг ҳосиласи сифатида талқин қилинадиган бўлди. Шундай қилиб, биологиянинг муҳим масалалари борган сари биокимё ва биофизиканинг ўрганиш предметларига айлана борди. Ҳужайраларнинг нозик структураси ва ҳужайрадан қўйи даражада ташкил топган заррачаларнинг моҳияти билиб олингани, асосий ҳаётий ҳодисаларнинг молекуляр механизмлари аниқланиб борилган сари юқори молекуляр бирикмаларнинг иккита синфи — оқсил ва нуклеин кислоталарининг беқиёс роли тобора равшанлана борди. Буларнинг ҳужайра таркибидаги ҳар қандай компонентлар функцияларининг амалга ошишида ўйнаган роли организмда учрайдиган бирикмаларнинг кўп сонли бошқа синфларини киға қараганда foят ортиқ эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам оқсил ва нуклеин кислоталар макромолекулаларнинг структураси, функцияси ҳамда биосинтези молекуляр биология деб номланган янги фаннинг ўрганиш обьекти бўлиб қолганлиги

безиз эмас. Молекуляр биологиянинг вазифаси — бу молекуляр структуралар билан биологик функциялар ўртасидаги алоқа, шунингдек, молекулалар фаолиятидаги ўзаро боғланишларни аниқлашдан иборатdir.

Молекуляр биологиянинг турлича таърифлари бор, аммо уларнинг ҳаммасида у кўпгина фанларнинг, биринчи галда биологиянинг бир қатор соҳалари, физика, кимё фанларининг методик усуллари ва фактик маълумотларидан фойдаланувчи комплекс фан сифатида қаралади. Молекуляр биология биринчи галда эволюцион тараққиётнинг турли босқичидаги организм намуналаридаги биологик молекулаларнинг турли шакллари, уларнинг функция ҳамда вариацияларини, шунингдек, организмнинг юксакроқ шаклига ўтишда биологик молекулаларнинг ўзгаришларини текширади.

Молекуляр биология молекула структурасини, унинг макондаги шаклини биологик функциялар билан боғлашга ҳаракат қилади. Бироқ шуни ҳам назарда тутиш зарурки, ҳужайраларнинг функционал хоссалари, ҳатто унинг озиқланиш, ҳаракат ёки қўзғалишнинг кечиши каби энг оддий шакллари ҳам макромолекулаларнинг хоссаларидан келиб чиқмайди. Мазкур функцияниг амалга ошиши юқорироқ даражадаги структурали организмлар бўлишини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам молекуляр биологиянинг вазифаси, фақат макромолекулалар структураси ва хоссалари билан белгиланадиган функционал намоён бўлишни ўрганиш билан чекланадими ёки бўлмаса ҳужайраларни ҳаракатга келтирадиган аппаратлар анализини ҳам ўз ичига қамраб оладими-йўқми, хуллас уни аниқ белгилаш, чегаралаш амриман-хол. Г. М. Франк ҳақли равишда қайд қилиб кўрсатганидек, ҳужайра фаолиятини унинг барча кўринишларида ўрганиш пайтида макромолекулалар хоссаларидан аслида келиб чиқадиган ҳамда «биологик структураларда» уларнинг фазода ўзига хос тарзда қўшилишидан келиб чиқадиган хусусиятларни ҳамиша эсда тутиш зарур.

Биологияда мазкур соҳанинг пайдо бўлиши бир вақтлар бизнинг мамлакатимизда биологларнинг маълум гуруҳи томонидан — юмшоқ қилиб айтилганда — совуқ кутиб олинди. Улар ҳужайранинг биологик функцияларини унинг физик-кимёвий ўзгаришлари билан боғлашни шаддотлик бўлмаса ҳам шунга яқин бир ҳол деб ҳисобладилар. «Молекуляр биология» деб аташнинг ўзи

уларга ғалати бўлиб туюлди. Биологик жараёнларни ўрнишга физика-кимё нуқтаи назаридан ёндошиш биологик қонуниятларни фақат физика билан кимёга хос қонуниятлар қаторига қўшиш бўлади, бу эса механицизмдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаш билан улар — «тирик организмлар физика ва кимёси»ни ўрганишга тўғаноқ бўлдилар. Биология фанини узоқ вақт давомида монополия қилиб келган академик Т. Д. Лисенко бошлиқ олимпийнинг бу гурӯҳи жаҳон фани ютуқларига ва биология ривожланишидаги умумий тенденцияларга қарамасдан ҳаёт ҳодисаларини физика-кимё йўли билан англаб олишда эришилган муваффақиятларни эътиборсиз қолдирдилар ва мамлакатимиизда биологиянинг бир қатор ҳозирги соҳаларининг ривожланишига тўсқинлик қилдилар. Биология проблемаларини ўрганишда физика ва кимё усуллари, ғояларидан фойдаланишга тиши-тирноқлари билан қаршилик кўрсатган кишилар учун «ривожланишнинг биологик даражаси айрим молекулага эмас, балки ҳужайра бирлигига боғлиқдир» деган тезис «асос» бўлиб хизмат қилди.

Бироқ молекуляр биология эришгани ютуқлар тирик ҳужайрада ҳар қандай ҳодисанинг ўша ҳужайра молекулаларининг ўзаро таъсири ёки организм кимёвий компонентларининг ташқи мухит агентлари билан реакциястарзида содир бўлишини борган сари кўпроқ ишонарли қилиб тасдиқламоқда. Физика ва кимёнинг маълум қонуниларининг ўзи ҳаётий жараёнларнинг айрим, элементар кўринишларини англаб олиш учун кифоя қиласи ва шунинг учун фақат тирик материяга хос бўлган қандайдир махсус, ҳозирча номаълум бўлган қонуниларни излаб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ деб ҳисобласа бўлади.

Албатта, бу материянинг биологик ҳаракати унинг энг қўйи шакли — жонсиз табиат ҳаракати ўртасидаги туб, сифатий фарқни инкор қилишни билдирамайди. Ҳеч шубҳасиз, органик дунёда сифат жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи кимёвий ва морфологик структуралар мавжуд, физика ҳамда кимёнинг умумий қонунилари ана шу структуралар даражасида ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Ҳозирги вақтда кўпчилик олимларда ана шундай тасаввур туғилганки, уларнинг фикрича органик ҳаётнинг ўзига хос асосий хоссалари оқсил ва нуклеин кислоталардан иборат мураккаб молекулалар қўшилиб, молекуладан юқори даражали дастлабки шакллар (кон-

фигурация) ни ҳосил қиласидан структура ташкил топиши даражасида намоён бўлади. Мазкур жараён давомида структуралари элементлар қатъий тартибга тушади ҳамда кимёвий жараёнларнинг муайян макон ва вақтда бир текисда кечишини таъминлайди, бу жонли организмларнинг ҳаммаси учун ҳосдир. Бу ҳол ҳаётий жараёнларнинг субмикроскопик ташкил топишидан иборат бўлиб, унинг бу даражасида кимёвий бирлик бўлган молекула морфологик бирлик — ҳужайраларнинг ультратрукауларига ўта бошлайди.

Молекуляр биология пайдо бўлиши билан биология фанларининг морфология ҳамда систематика сингари классик бўлимлари ўз аҳамиятини йўқотмади, балки уларда ҳам методик ва назарий нуқтai назардан муҳим ўзгаришлар бўлди. Масалан, ҳужайраларни ўрганидаган цитология фани эндиликда ўз олдига ҳужайра ва унинг компонентларининг нозик структураси ҳамда ҳаётий функцияларини аниқлаш вазифасини қўяди. Шунингдек, цитология фани гистова цитокимё усуллари асосида ҳужайраларнинг кимёвий топографияси ва унинг компонентларини ҳам ўрганиди.


Шундай қилиб, цитология ҳам биология фанининг бошқа бўлимлари сингари, маълум даражада молекуляр фан бўлиб бормоқда. Эндиликда унинг асосий ўрганиш обьекти бўлган ҳужайра, ўтган асрда фараз қилинганидек, бўм-бўш эмас, балки ўзининг ички структурасига эга, компонентлар билан том маънода тирикдир.

ХУЖАЙРАДАН ҚУИИ ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ТОПГАН ЗАРРАЧАЛАР СТРУКТУРАСИ (СУБЦЕЛЛЮЛЯР СТРУКТУРА) ВА ФУНКЦИЯСИ

Ёруғлик микроскоплари ёрдамида олиб борилган дастлабки текширишлароқ ҳужайрада уни тевзрак-атрофдаги муҳитдан ёки қўшни ҳужайра, ядро ва бир қатор ҳужайра органоидлардан тўсиб турувчи пардалар борлигини аниқлаш имконини берди. *Митохондрия, септераторли грануллар* (доначалар), *Гольджи зонаси* ва *эрластоплазма* ана шундай ҳижайра органоидлари жумласига киради. Яшил ўсимликлар ҳужайраларида булардан ташқари *хлоропласт* деб аталган ҳужайра тузилмалари борлиги маълум бўлди.

Ҳужайранинг ўртасида сферик ёки тухумсимон шаклда ядроси бўлиб, унда битта ёки бир неча ядрочалар


ҳам мавжуд. Баъзи бир ҳужайраларда оддий ёруғлик микроскопида кўриб бўлмайдиган бурама иплар борлиги фазаликонтраст микроскоп ёрдамида аниқланди. Ядро жуда активлашиб, бўлиниб кетадиган даврда мана шу иплар хромосомалар тарзида аниқроқ кўзга ташланади. Бошқа вақтларда ҳужайрага ёруғлик микроскопидан қаралганда у ҳеч қандай структурага эга бўлмаган гомоген аморф масса сифатида кўринади. Цитоплазма ички структурасининг қисмлари ва ҳужайрадан қўйи ташкил



3-расм. Ҳужайранинг оддий микроскопдан қарагандаги тузилиши.

топган компонентлар келтириб чиқарадиган барча ҳужайра тузилемалари фақат электрон микроскоп ёрдамида аниқланади.

Табиийки, ҳамма вақт бир бутун нарса уни ташкил қилувчи қисмларнинг оддий йиғиндисидан катта бўлади. Албатта, ҳужайра структурасини механик тарзда қисмларга ажратиш ва айрим бўлакчаларни ўрганиш бир бутун, яхлит ҳужайрада структура билан функция ўртасидаги ўзаро боғланишин талқин этиш вазифаси талабларига жавоб бермайди. Бироқ бўлаклар структу-



4-расм. Ҳужайранинг электрон микроскопдан қарагандаги түзилиши.

раси ҳақида олинган тұла маълумот мазкур компоненттің функциясини ҳамда унинг умуман бопқа қисмлар — зарралар билан бўлған алоҳида ҳужайра активлигидаги ролини тўлароқ пайқаб олишга ёрдам берини мумкин.


Цитоплазматик матрикс ҳужайранинг асосий ва энг муҳим қисмини, унинг ҳақиқий ички муҳитини ташкил этади ҳамда унинг таркибида кўп миқдорда ҳар турли ферментлар бўлади. Мана шу ферментлар биосинтез жараёнини амалга оширади, асосан углеводларниң анаэроб парчаланиш (гликолиз) ҳисобига энергия ишлаб чиқаради. Мана шу матрикс туфайли ҳужайранинг ички ҳаракати содир бўлади, турли-туман структуралар вужудга келади.

Цитоплазманиң айрим қисмида рибосома, рибонуклеин кислота ва оқсилдан иборат майды тузилмалар тўпланади. Цитоплазманиң асосан ранглар билан бўялувчи мазкур қисми энди эргастоплазма деб юритилади. Бундан ташқари, асосий цитоплазмада Гольджи аппарати деб аталувчи тўрсимон тузилмалар ҳам борлиги маълум. Гольджи аппарати структурасининг қисмлари электрон микроскоп ёрдамида анча батафсил ўрганилган, аммо унинг биокимёвий хоссаси ҳамда функцияси кўп жиҳатдан номаълумлигича қолиб келаётir. Ҳозирги вақтда у Гольджи зонаси деб юритилади ва цитоплазматик вакуолларниң муайян йўналишда дифференцияланган қисми тарзида қаралади.

РИБОСОМАЛАР

Рибосомалар биринчи марта электрон микроскоп ёрдамида аниқланди ва энч заррачалар ёки доналар сифати тасвирланди. Ҳийла такомиллашган электрон микроскоплар, ультрацентрифуглашдан ва нишонли атомлар усулидан фойдаланиб ўtkazilgan кейинги тадқиқотлар уларниң шакллари, кимёвий тузилиши ҳамда оқсил биосинтези жараёнидаги ролини аниқлаш имконини берди. Фанда рибосомаларниң тирик организмлар универсал компонентлари ва уларниң ҳужайрада оқсил яратувчи машина эканлиги ҳақида қатъий тасаввур ҳосил бўлди. Кимёвий нуқтаи назардан улар молекуляр вазни 2,7 — 4,5 млнга teng рибонуклеопротенд заррачалар бўлиб, таркибида 40 — 65 процентгача рибонуклеин кисло-

та мавжуд, липидлар эса қарийб йўқ. Мана шу доначалар диаметри 100 — 200 Å° катталика бўлиб, икки, учта ва ундан кўпроқ парчалардан иборат ассоциациялар (димерлар, тримерлар) ташкил қиласидилар. Шунингдек, улар полисома ва эргосома деб аталган яна ҳам йирикроқ полидисперсли структураларни вужудга келтиради. Полисома ва эргосомалар оқсил биосинтезини кооператив тарзда амалга оширади. Оқсилнинг битта молекуласини синтез қилишда иштирок этувчи рибосомалар сони ҳар турли бўлиши мумкин. Оқсил биосинтези жараёнида улар информацион РНК бўйлаб жойлашади.



5-расм. Рибосома субъединицалари-
нинг тузилиши.

Ультрацентрифугалаш йўли билан седиментация константи S_{20} аниқлашга мусассар бўлинди². Седиментация константи 70 S ва 80 S га тенг бўлган рибосома типлари аниқланди. Муайян шароитда рибосомалар субъединицаларга бўлинади. Бўлинган субъединицалар яна қайтадан қўшилиши ҳам мумкин. Масалан, 50 S ва 30 S ли бактериал рибосомаларнинг субъединицалари қайтадан седиментация константи 70 S бўлган структурага бирлашуви ва қўшилуви ҳам мумкин. Шу нарса аниқланганки, рибосоманинг РНКси иккита нуклеотид занжиридан иборат бўлиб, ҳар қайси субъединицада биттадан мавжуд. Денгиз чўчқачаси жигаридан олинган 80 S рибосома бутун рибосоманинг $\frac{2}{3}$ ва $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этувчи 47 S ҳамда 32 S субъединицаларга бўлинади.

2. Тезланиш бир единицага тенг майдонда макромолекуланинг ҳаракат тезлиги.

Рибосомалар ҳужайраларнинг ҳаммасида бўлади; уларнинг сони ҳужайрадаги рибонуклеин кислоталар миқдорига кўпроқ боғлиқ. Масалан, ачитқи ҳужайрасида уларнинг сони тахминан 6000. Фақат вояга етган эритроцитларда рибосомалар бўлмайди.


МИТОХОНДРИЯЛАР, УЛАРНИНГ СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИЯСИ

Ҳужайрадан қуи даражада ташкил топган заррачалардан яна бир муҳими — бу таёқчасимон кўринишдаги митохондриялардир. Уларнинг катталиги ҳар хил бўлади. Кўпчилик ҳужайраларда уларнинг йўғонлиги бир хил доимий бўлиб, 0,5 мк чамасида, узунлиги эса 7 мк гача етади. Бинобарин, уларни оддий микроскопда ҳам бемалол курса бўлади. Ҳужайрада митохондриянинг асосий функцияси — бу ҳужайранинг ҳар хил функциясини энергиянинг осон истеъмол қилинадиган шакли билан таъминлашдан иборатdir. Бу энергия озиқнинг кимёвий компонентлари — углеводлар ва ёғ кислоталарнинг метаболик ўзгариши давомида босқичма-босқич оксидланиши ҳисобига вужудга келади. Кўп босқичли мураккаб оксидланиш натижасида углевод ва ёғларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар (метаболитлар) — даги энергия ўзгариб, энергияга бой фосфат боғлари аталадиган кимёвий боғлар шаклида тўпланади. Ўз молекуласида энергияга бой боғлар сақлайдиган энг асосий бирикма *аденозинтрифосфат кислота* (АТФ) саналади. Мазкур бирикма парчалангандаги 7000 калорийдан зиёд энергия ҳосил бўлади. АТФ митохондрияларда синтез қилинади. Митохондрияларнинг ўзига хос ички тузилиши бунинг учун имкон беради. Озиқ моддаларда яширган энергияни осон ўзлаштириладиган энергияга бой фосфат боғлари шаклига айлантириб беришда муҳим роль ўйнагани учун митохондрияларни мажозий маънода энегрия трансформаторлари ёки ҳужайралар электростанциялари деб аташади.

Кейинги ўн йил давомида электрон микроскоплар ёрдамида ўтказилган тадқиқотларда митохондриянинг ички структураси батафсилроқ ўрганилди. Уларнинг ультратруктура тузилиши анча-мунча мураккаб ва ўзлари бажарадиган функциясига жуда ҳам мослашган экан,

бу жиҳатдан уларнинг тузилиши ҳужайрадаги структурал-функционал бирликка ёрқин мисол бўла олади.

Митохондрия 60 \AA қалинликдаги иккита мембранадан тузилгандир. Мембранны алар ўртасида $60—80\text{ \AA}$ чамасида гомоген бўшлиқ бор, бинобарин, мембрана қатламишининг умумий қалинлиги қарийб 200 \AA ни ташкил этади. Ичкаридаги мембранныдан митохондрия бўшлиғига




6-расм. Митохондрияниң ультраструктураси.
Ташқи ва ички мембрана (1 ва 2), криста (3) ва
матрикс (4) ларнинг жойлашиши.

кичик криста деб аталган тўсиқчалар кўринишида ўсимталар ўсиб чиқади.

Шундай қилиб, митохондрия бўшлиғида иккита, яъни ташқи (иккита мембрана ўртасида) ва ички камера мавжуд. Ички камерани кристалар ўртасидаги ички мембрана вужудга келтиради. Митохондрияниң ички бўшлиғи матрикс деб аталган нисбатан зичроқ модда билан тўлган бўлади. Унинг ицида майдонончалар, ҳар хил ферментлар ва субстратларнинг оксидланиши учун хом ашё вазифасини ўтовчи ҳамда уларнинг ишлашида ферментларга кўмаклашувчи модда (коферментлар) борлиги маълум бўлди. Ички мембраннынг тўсиқлари орасида қатъий тартибда «зичланган» ферментлар эритмага тарзда бўлади. Улар оксидланиш жараённида ниҳоятда муҳим ва ўзига хос функцияни бажаради — субстратдан водород атомлари (протон ва электрон) ҳамда электронларни ташибди. Айни вақтда электронлар транспорти энергияси ҳисобига анорганик фосфат адепозин-

трифосфат кислота күринишида бирикади. Бу узлуксиз бириккан күпферментли система унинг барча факторлари билан бирга қўшилган ҳолда нафас олиш занжири деб юритилади. Қўйида митохондрияларнинг тузилиши ва уларнинг оксидланиш пайтидаги активлиги схемаси кўрсатилган.

Митохондрияларнинг ҳужайрадаги оксидланиш жарёни билан боғлиқ эканлиги гарчи илтари пайтларда тахмин қилинган бўлса-да, бироқ ҳужайранинг нафас



7-расм. Ачиш пайтида митохондрияларнинг активлигини кўрсатувчи схема.

олиш механизми ва бу жараёнда митохондриялар фоалияти ҳақидаги ҳозирги замон тасаввурлари қирқинчи йилларнинг ўрталарига келиб шаклана бошлади. Ажратилган ўзгармаган (интакт) митохондриялар ёҳуд уларнинг борган сари майдада бўлакчаларини ўрганиш йўли билан хийла мураккаб ва кўп босқичли жараённинг қарийб барча қисмида матрикс ферментлари, субстратлари ҳамда нафас олиш занжири айrim компонентларининг ўзаро бир-бири билан бўладиган алоқаларини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Унинг моҳияти ҳужайра цитоплазмасида оқсилилар, ёғлар ва углеводлар парчаланиши давомида ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулот (яримфабрикат)ларнинг оксидланиб охирги маҳсулот CO_2 ва H_2O га айланниши въ оксидланишда ажраладиган энергия ҳисобига аденоzin-дифосфат ва анорганик фосфатдан АТФ молекулалари пайдо бўлишидан иборатdir. Иккита углерод атомли биримма «актив сирка кислотаси» ёки ацетил коэнзим (КоА) цитоплазмадан митохондрияларга ўтувчи ва охирги моддаларга қадар оксидланувчи ана шундай маҳсулот ҳисобланади. Шундай қилиб, митохондрияларда ўзаро алоқадор оксидланиш ва фосфорланиш содир бўлади, шунинг учун ҳам бу жараён ачиш оксидланувчи фосфорланиш жараёни деб аталади.

Митохондрияларда энергиянинг бир хилдан бошқасига айланишининг асосий системаси нафас олиш занжирдан иборат. Унинг таркибига никотинамид адениндинуклеотид (НАД) ва flavобпротеид (ФП) каферметли водород ажратувчи фермент, электронларни ташувчилар (в, с, а, аз цитохромалар) системаси ҳамда баъзи бир бошқа кофакторлар киради. Буларнинг ҳаммаси митохондрия структураси билан фақат функционал жиҳатдангина эмас, шу билан бирга фазовий ҳам боғлиқ бўлиб, нафас олиш бирликлари деб аталган зич ансамблни ташкил этади.

Актив сирка кислотаси оксидланишининг турли босқичларида митохондрия матриксида ферментлар қўшалоқ электронлар (ёки водород атомлари)ни нафас олиш занжирига узатади. Электронларнинг ўтиш жараёнида нафас олиш занжирни бўйлаб унинг учта нуқтасида электронлар энергияси ҳисобига АДФ ва анорганик фосфат (Фн) дан АТФ ҳосил бўлади. Пировард оқибатда электронлар ва водород атоми протони молекуляр кислородга ўтади ва натижада сув ҳосил бўлади, шу билан нафас олиш занжиридаги оксидланиш жараёни тугайди. Электронларнинг ўтиш занжирни ва АТФнинг ҳосил бўлиш схемаси қўйидаги расмда кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, молекуляр биология ўзининг салкам 20 йиллик тарихида ҳужайра структураларининг ўзаро боғлиқлигини, оқсил ва нуклеин кислоталар биосинтезини ҳамда уларнинг биологик активлигини ўрганиш соҳасида ажойиб натижаларга эришиди. Молекуляр биология баъзи муҳим оқсил молекулалари — инсулин, гипофизнинг бир қатор гормонлари, тамаки мозаикаси вируси, рибонуклеаза ферменти — тузилишини талқин этади, ферментларнинг таъсир этиш механизmlарини, энергия трансформатори ҳисобланган митохондриялар сингари энг муҳим ҳужайра структураларининг молекуляр тузилиши ва фаолиятини, оқсил биосинтезланадиган рибосома, ҳужайрада модда алмашинуви ҳамда ташиб ўтказишнинг барча жараёнида қатнашувчи ҳужайра мембранныси ва ҳоказоларни тушуниш йўлларини очиб беради. Бундай кашфиёт асосий биологик жараёнларнинг моҳиятини англаб олишда бутунлай янги тасаввур, янги ғояларни илгари сурди.

Барча жонли нарсаларнинг асосий хусусияти бўлган ирсият, организм ирсий белгиларининг авлоддан авлодга

үтиб сақланиб қолиш жараёнлари кабиларнинг механизмлари ўрганилиб, уларнинг сирлари тушунтириб берилишида биологик ҳодисаларга молекуляр ёндошишнинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин.


Ег кислоталар

Глебодлар

Пироузум кислота

Ацетил КоA

Аминокислоталар



8- расм. Электронларни нафас олиш занжирига ўтказиш схемаси.
X, Y, Z—номаълум компонентлар бўлиб P-X, P-Y ва P-Z оралиқ макроэргик бирикмаларни вужудга келтиради.

ОРГАНИЗМЛАР ИРСИЯТИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Ирсият муаммоси биология фанида биринчи даражали муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, ирсият ва ўзгарувчанлик ҳамма тирик организмлар учун муштарақ туб белги бўлиб, у органик дунёning тараққиёт жараёни билан тифиз боғлангандир. Бинобарин, тирик мавжудотларнинг шу жумладан одамнинг ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнларини қанчалик тушунишимиз ана шу ирсият ҳамда ўзгарувчанлик ҳақидаги тасаввурларимизнинг тўғри бўлишига боғлиқдир, бу эса шубҳасиз ҳар қандай дунёқарашнинг таркибий қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганиш орқали бир қанча мураккаб ҳамда чигал муаммолар ҳал қилина-

ди. Чунончи, ягона уруғланган ҳужайралан аввалги турва индивидуумга хос белгиларни ўзида мужассамлаштирган бутун бир организмнинг қандай пайдо бўлишини ирсият ва ўзгарувчанликни билмай туриб тушунириб бериш қийин. Масаланинг аҳамияти шу билангина чекланмайди. Ирсият ва ўзгарувчанлик муаммоси одамларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ бўлгани учун ҳам уларни билиш тақозо қилинади, медицина ва қишлоқ хўжалик амалиётларида ҳам уларга зарурият бор. Хусусан, организмлар ирсиятини бошқариш вазифасини ҳал қиласмай туриб авлоддан авлодга ўтадиган касалликларнинг табиатини билиш, уларнинг олдини олиш ва даволаш, шунингдек ҳайвон, ўсимлик ҳамда микроорганизмларни инсон мақсадларига мувофиқ равишда ўзгартириш мумкин эмас. Табиат кишилик олдига қўйган қизиқарли ва шу билан бирга энг мушкул бу вазифа айниқса кейинги бир неча ўн йил мобайнида табиий фанларнинг турли соҳаларида тадқиқот ишлари олиб бораётган машҳур олимларнинг диққат-эътиборини жалб қилди.

Ҳозирги вақтда ирсият ва ўзгарувчанлик муаммоси ҳозирги замон фанининг умумий проблемасига айланаб бормоқда.

Табиатшунослик фалсафасида ирсият ва ўзгарувчанлик муаммосининг муҳим ўрин тутишининг боиси шундаки, у мазкур масалани мафкуравий ҳамда ижтимоий томондан ўрганиш билан чамбарчас боғлиқdir. Бу ҳол ҳатто илгарилари ҳам олимларнинг айrim гуруҳлари: биологлар, файлусуфлар ва сациологлар ўртасида кучли тортишув ҳамда баҳсга сабаб бўлиб келган. Баъзан мазкур соҳада қилинган янги кашфиётлар у ёки бу гуруҳ олимлар фойдасини кўзлаб ўзбошимчалик билан талқин қилиниши туфайли мазкур мунозара ва баҳслар яна ҳам жиддий тус олиб кетди.

Маълумки, улуғ инглиз олими Чарльз Дарвиннинг экспериментал маълумотлари ва кузатишлари туфайли бундан юз йил муқаддам ҳайвонот оламининг ривожланиш назариясини биринчи бор асослаб бериш мумкин бўлган эди. Ч. Дарвин ўзининг машҳур «Турларнинг келиб чеқиши» деб номланган китобида органик дунёнинг ривожланиши, янги турларнинг шаклланиб такомиллашиши табиий-тарихий жараёндан иборатдир, деб кўрсат-

ган эди. Унинг эволюция назариясига қўра ҳар қандай янги тур ўзидан илгариги ва айни чоқда мавжуд бўлган шакл ҳамда турларнинг ривожланиш оқибатидир.

Табиий танланиш назарияси ҳақли равишда дарванизмнинг негизи ҳисобланади. Бироқ тирик мавжудотларда ўзгариш содир бўлмаса ва бу ўзгариш авлоддан авлодга ўтиб ирсий равишида мустаҳкамланиб бормаса табиий танланишининг ўзи ривожланишининг ижодий кучига айлана олмайди. Шундай қилиб, организмларнинг ўзгарувчанлиги ва ирсияти органик дунёнинг хилма-хил шакллари ривожида диалектик бирликни ташкил этади. Ирсият билан ўзгарувчанлик ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиши генетика деб аталган маҳсус биологик фаннинг мазмунини ташкил этади.

Ирсият дейилганда, одатда, ота-она организмига хос белги ва сифатларнинг наубатдаги наслга ривожланиб ўтиш ҳодисаси тушунилади. Организмларнинг авлодлари ўртасида моддий ва функционал ворислик мана шу ирсият туфайли содир бўлади, шу сабабли бир авлод иккинчи авлод билан алмашинганда тирик материя узлуксиз давом қиласеради. Шунинг учун ҳам ирсият кўпайиш жараёни билан узвий боғлиқдир, кўпайиш ҳам ўз наубатида ҳужайранинг бўлиниши ва унинг структураси ҳамда функциясининг қайта такрорланишига изчил боғлиқ. Жинсий кўпайишида массаси кўп ҳужайрали организмга қараганда жуда ҳам кичик бўлган оталик ва оналик жинсий ҳужайраларининг қўшилиши организмнинг қайтадан янгидан туғилишига, янги наслнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ирсият ота-онага хос хусусиятларнинг наслдан-наслга ўтишини таъминлашдан ташқари, яна ҳар бир алоҳида организм учун маълум муҳит шароитида қатъий тартиб билан шаклана борадиган ўзига хос белги ва сифатларнинг ривожланиши, шунингдек, моддалар алмашишининг ўзига хос равишида кечишини ҳам таъминлайди.

Организм ҳужайраси етук индивид сифатларини муҷассамлаштирган тайёр ҳолдаги кичик зародишга эга бўлмай, фақат унда хусусиятларнинг ривожланиш имкониятларини ўзида сақлаган ирсий омил ёки генлар деб аталувчи бошланғич омиллар мавжуддир. Бино-барин, ирсий детерминант (наслни белгиловчи принцип) маълум даражада илгариги ўзига хосликни сақлаб

қолгани ҳолда, генетик функцияларни ҳам намоён қилиш хусусиятига эга бўлган бирлиkdir.

ХХ аср бошида бўлиниш жараёни синчилаб ўрганилди, ҳужайра структурасида юз берадиган ўзгаришлар талқин қилиниши натижасида бўлинишда ядродаги алоҳида тузиљма — хромосомалар муҳим роль ўйнаши аниқланди. Ирсий белгиларни элтувчилар худди мана шу хромосомалар бўлиб, авлодлар ўртасида белгиларнинг биридан иккинчисига узатилишини ҳам шулар таъминлайди.

Ўзгарувчанлик. Барча тирик мавжудотларга ирсият билан бир қаторда ўзгарувчанлик ҳам хосдир. Ўзгарувчанлик ирсиятга зиддир, аниқроғи ирсий белгиларни емиради. Бироқ бу, тирик материянинг икки туб хусусиятлари ўртасида диалектик бирлик йўқ деган сўз эмас. Негаки, бундай бирликсиз органик шакллар ривожланиши ҳатто ҳаётнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар организмда ўзгарувчанлик хусусияти таъсирида юз берадиган ўзгаришлар ирсий равишда мустаҳкамланмаганида эди, органик дунёда ривожланиш, эволюция бўлмас эди.

Организм яшаётган муҳит шароити кўрсатган таъсирига қараб ирсий омилларнинг бир ёки бир нечтаси ўз сифат ва хусусиятларини ўзgartириши мумкин. Бундай ўзгариш сакрашга ўхшаш тарзда, тўсатдан содир бўлади. Ирсий омилларда юз берадиган бундай тўсатдан ўзгариш мутация деб аталади. Эндиликда мутацияга сабаб бўладиган бир қатор физик-кимёвий омиллар яхши ўрганилган. Рентген ва ядро нурларининг турли кўришилари энг кучли мутация туғдирувчи (мутаген) агентлар эканлиги маълум бўлди. Мутагенлардан эксперимент шароитида мутант (мутация таъсирида ўзгарган организм) лар олишда кенг фойдаланилмоқда.

Атом бомбалари портлатилиши билан инсоният ядро нурларининг ҳалокатли таъсирига дуч келди. Чунки ана шу портлатишлар натижасида кўплаб инсонлар ҳалок бўлишидан ташқари, атом бомбаси парчаланиши натижасида тарқаладиган катта энергияли ядро нурлари ирсий айнишлар (аномомиялар) ни, яъни умумий қонуниятдан четга чиқишига ва оғир қон касалликлари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Аммо пайдо бўлган мутациянинг характеристи ва даражаси (частотаси) ушбу ўзгаришини

бошидан кечирган организмнинг физиологик ҳолати ҳамда хусусиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Наслдан-наслга ўтиб мустаҳкамланиб борадиган ўзгарувчанлик яна генларнинг янгича комбинациялари (турлича жойланиши) натижасида ҳам пайдо бўлади. Масалан, чатиштиришда шундай ҳол кўзга ташланади.

Ҳар бир организмда онтогенизнинг кечишида, яъни унинг зародишидан етуклик даражагача ривожланишида морфологик, физиологик ва биокимёвий белгилар бир меъёрда, маълум қонуният асосида ўзариши мумкин. Бу ўзаришларнинг намоён бўлиш вақти ва тартиби организмнинг ирсиятига боғлиқдир.

Уруғланган ҳужайрадан янги организмнинг ривожланиш жараённида ундаги аввалги турнинг ўзига хос сифатлари ва индивидуал хусусиятларга эга бўлган алоҳида қисмлари ҳам шаклланади. Сўнгги ўн йилликда ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, ҳужайрада кечадиган дифференцияланиш жараёни (айрим қисмларнинг маълум вақтда пайдо бўлиши), шунингдек алоҳида орган ҳамда тўқималарнинг ривожланиши маҳсус оқсили моддаларнинг кишини ҳайратда қолдиравли даражада аниқ, изчил ва маълум меъёрда синтезланиши натижасида содири бўлади. Мазкур оқсилиларнинг маълум жойда, қатъий аниқ бир вақтда, зарур миқдорда пайдо бўлиши организмнинг ўзига хос ҳамма морфологик ва функционал хоссаларини қондиради. Ана шу сабаблар натижасида, ҳужайра структураси ва функциясида рўй берга бошлаган ўзаришлар ўз наебатида оқсили моддаларнинг биосинтезига таъсир кўрсатади. Мана шу ўзаро боғлиқлик, биокимёвий жараёнларнинг бири иккинчисидан мустасно кечмаслигини, тирик дунёда шакл ва функциялар ўртасида диалектик муштараклик мавжудлигини кўрсатиб турибди.

КЛАССИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги вақтда фан генетика проблемаларини молекулаларнинг ўзариши ва ўзаро боғланиши маъносида кимё тили билан тушунтириб бермоқда. Шу тарзда молекуляр генетика вужудга келди. У умуман молекуляр биология фани даврини бошлаб берди. Асосий биологик ҳодисаларни ўрганишда молекуляр ёндошиши ривожлантириш учун зарур бўлган ғоявий ва техникавий шарт-

шароитлар түғрисида юқорида гапириб ўтдик. Бироқ, масалага юзаки қараганда, текшириш ишларининг ҳозирги молекуляр даражаси гүё фанда қарор топган классик тасаввур-тушунчаларнинг инкори сифатида вужудга келиб, биология фани турли соҳаларининг олдинги тараққиётига гүё асосланмайдигандек кўринади. Бу ҳол кўпроқ генетикага тааллуқлидир, чунки яқин-яқин вақтларгача ҳам бизларда классик генетика ютуқларига эътибор қилинмай, Мендель, Морган, Вейсман ва шу сингари бошқа бир қатор генетикларнинг номи билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси батамом инкор этиб келинарди. Ҳеч шубҳасизки, масалага бундай ёндашиш мөҳият эътибори билан асоссиз бўлиб, умуман гоя ва фаннинг ривожланиш диалектикасига зид эди. Шунинг учун ҳам классик генетика берган нарсаларнинг мағзини чақмасдан туриб, молекуляр генетиканинг вужудга келиши ҳамда унинг ютуқ ва вазифалари ҳақида бирор бир түғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлмади.

МЕНДЕЛЬ КАШФИЕТИ

Классик генетика нима ва у ҳозирги замон генетикасига қандай мерос қолдирди? Фанда генетиканинг вужудга келиши одатда австриялик монах Иоган Грегор Мендель номи билан боғланади. Бундан юз йил муқаддам Мендель ўзининг осойишта монастир боғида нўхатнинг баъзи навларини бир-бирига чатиштириш йўли билан ирсий белгиларнинг бир авлоддан иккинчисига ўтишининг ажойиб қонуниятларини аниқлади. У ўз тажрибасининг турли вариантларида ирсий белгиларнинг ота-онадан кейинги авлодга ўтишини пухта ўрганди ва улардан муҳим назарий умумлашма-хулосалар келтириб чиқарди. Тўпланган фактларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қиласкан, Мендель ирсиятда маълум барқарорлик ва мустақиллик мавжудлигини, бу наслга ўтадиган белгиларнинг эркин равишда комбинациялашиши тарзида намоён бўлишини исботлади. Бундан ирсий хусусиятлар дискрет ва корпускуляр (бўлинган, парчаланган) характерда бўлади ва ирсиятда бевосита қатнашадиган махсус моддий субстрат бўлиши керак деган мантикий хулоса келиб чиқади. Бундай моддий субстратни Мендель «омил» деб атади.

Аммо Менделнинг бу ажойиб кашфиёти олимларнинг диққат-эътиборидан четда қолди ва узоқ вақтгача но-маълум ҳолича қолиб келди.

Мендель тадқиқотларидан сўнг орадан 40 йилдан зиёдроқ вақт ўтгач, яъни 1907 иили Иогансен фанга Мендель ишлатган «омил» сўзи ўрнига «ген» терминини киритди. Бироқ Иогансенгача ҳам бу соҳада муайян фараз ва тахминий фикрлар илгари сурилгани эди. Бу тахминларда ирсий омиллар ядро ичидаги хромасомаларда жойланиши ва хромасомалар билан айрим ирсий белгилар намоён бўлиши ўртасида боғланиш борлиги кўрсастилган эди.

1910—1911 йилларда Морган ирсият моддаси ҳақида-ги таълимотни, Де-Фризнинг мутация назарияси ва Мендель қонунларини таҳлил қилиш асосида ирсиятнинг хромосома назариясини яратди. Мазкур назарияга кўра ирсий хусусиятларни ташувчи дискрет элтувчилар ёки бошқача қилиб айтганда генлар хромосомада жойлашади. Ҳужайра миқёсида ўтказилган биологик тадқиқотлар доирасида яратилган мана шу таълимот генетиканинг кейинги ютуқларига асос бўлди ва классик генетика билан ҳозирги молекуляр биологияни бир-бирига боғлади.

Шундай қилиб, генетика тарихи икки санадан бошлаб ҳисобланади: биринчиси, ўтган аср олтмишинчи йилларнинг ўртаси бўлиб, у Мендель номи ҳамда ирсият тўғрисида дастлабки назариянинг вужудга келиши билан боғланади, иккинчиси XX асрнинг бошларига тўғри кела-ди. Бу вақтда Мендель гоялари тажрибада синалиб янада ривожлантирилади, бу ҳол мазкур ажойиб фаннинг зўр бериб ривожланишига асос бўлди.

Албатта, фан тарихида юз йил — бу унча жатта муддат эмас. Аммо шунга қарамай кишилик билими ва илмий эксперимент техникаси ниҳоятда тез тараққий қилган даврда пайдо бўлган ёш фанлар тез такомиллашиб ўз муаммоларини қўйиш ҳамда уларни ҳал этишда муҳим ўзгаришларга ҳам учради. Генетиканинг ривожланишида худди мана шундай ҳол юз берди. Шунинг учун ҳам генетикани ҳозирги давридан ажратган ҳолда, классик генетика ҳақида сўзлаш мумкин. Ҳозирги генетика фани даврини эса бизнинг асримизнинг қирқинчи йилларидан бошлаб ҳисобласа бўлади.

Бу икки давр ўртасидаги асосий тафовут шундан иборатки, классик генетика ирсият бирлиги, яъни генга

соф формал тушунча тарзида қараб, унинг моддий мөҳиятига эътибор бермаган ҳолда абстракт нарса сифатида фойдаланади. Молекуляр генетикага ўтиш эса генинг моддий табиатини, физик-кимёвий мөҳиятини, унинг ҳосил бўлиши ва ирсий белгиларни бир авлоддан кейингисига ташиб ўtkазиш механизмларини аниқлаш билан боғлиқдир. Генларнинг структура ҳамда функциялар билан боғлиқ бўлган мазкур масалаларни ўрганиш ўз навбатида тадқиқот ишларининг янги усул ва обьектларини тақозо қиласди.

Классик генетика организмлар ирсияти ва ўзгарувчанлигининг кўплаб муҳим муаммоларини ҳал қилди ҳамда бир қатор асосий проблемаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бундай проблемаларни ҳал этиш вазифаси эса молекуляр генетиканинг вужудга келишига сабаб бўлди.


Ҳеч шубҳасиз, ирсият бирлиги, ген ҳақидаги тушунча аниқланишининг ўзи классик генетиканинг энг муҳим ютуғи бўлди. Менделъ ўзининг белгилари турлича бўлган нўхатларни чатиштириш устида ўтказган тажрибаларида чатиштирилган иккита (ота-она) нўхатнинг баъзи белгилари (уругининг ранги, уларнинг шакли, поясининг узунлиги ва ҳоказо) бир-бирига, шунингдек бошқа белгиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда улардан олинган янги наслга ўтишини аниқлади. Отa-она ҳисобланган икки нўхат турини (P) чатиштиргач, Менделъ улардан олинган биринчи (F_1) ва иккинчи (F_2) авлод дурагайларида белгиларнинг қай тарэда тақсимланганлигини ўрганди. Нўхатнинг икки нави — сариқ нўхат билан кўк нўхат чатиштирилганда биринчи авлоддан олинган дурагайларнинг ҳаммасида уларнинг дони сариқ бўлган, яъни биринда чатиштирилган ҳалиги икки тур нўхатдан фақат биттасининг — сариқ нўхатнинг белгилари устунлик қилган. Олинган дурагай нўхатларнинг ўзи бир-бири билан чатиштирилганда эса иккинчи авлодда (F_2) дони сариқ нўхат ўсимлиги 75 процентни, дони кўки эса 25 процентни ташкил этган. Бинобарин, биринчи авлодда чатиштирилган нўхатлардан бирининг йўқ бўлиб кетган белгиси (нўхат рангининг кўклиги) иккинчи авлодда қайтадан пайдо бўлади.

Авлодда айрим белгиларнинг намоён бўлишида генетик жиҳатдан соф линиядан фойдаланилганда батамом

математик боғлиқлик кўзда тутилади. Буни қўйидаги схемадан ҳам кўрса бўлади.

Ўз тажрибаларининг натижаларини изоҳлаш учун Мендель қандайдир бирликнинг мавжудлигига асосла-

Авлод



9-расм. Донининг рангига кўра фарқланувчи нўхат ўсимлигини Мендель усулида дурагайлаш схемаси.

нади. Гарчи у буни ген деб атамаган бўлса-да, аммо унинг ирсий белгиларни ўтказишдаги ҳолатини жуда тўғри тушунтиради. Мендель кейинчалик вояга етган организэмда ҳар қайси белги учун иккита ген ёки аллель борлигини тахмин қилди. Агар ҳар иккала аллель бир хил бўлса, у ҳолда организм мазкур белгига кўра «соф» (гомозиготли) бўлади, аллеллар ҳар хил бўлганда эса организм генетик нуқтаи назардан соф ҳисобланмайди (гетерозигот). Гетерозигот организмда

битта аллель доминант бўлиб, яъни у кузатилаётган белги (сариқ нўхат)нинг кўпроқ намоён бўлишига сабаб бўлади; бундай шароитда иккинчи аллель рўёбга чиқмайди, у рецессив аллель ҳисобланади. Гарчи ҳужайрада мазкур аллель бўлса-да, бироқ яширингандек белги кўриннишида амалга ошмаган бўлади. Гаметалар деб аталган жинсий ҳужайралар пайдо бўлишида дурагайлардаги турли-туман генлар алоҳида ҳужайраларга тарқалиб кетиши мумкин, авлодда, наслда белгиларнинг йўқолиб кетишига ҳам шу ҳол сабаб бўлса керак. Зигота (уруғлашган ҳужайра)да ҳар иккала аллель ҳам рецессив бўлганда авлодда, наслда рецессив белги намоён бўлади.

Бироқ шу нарса аниқланганки, ҳамма вақт бир белги устун қелиб, иккинчиси йўқолиб кетавермайди. Баъзан битта аллелнинг бошқа аллель билан ўзаро таъсирида бўлиши қоришиқ белгиларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Доминант генга қараб аниқланилайдиган белгининг амалга ошишига организм ривожланадётган муҳит шароити, шунингдек, бошқа (ноаллель) генлар ҳам таъсири кўрсатади. Бу нуқтаи назардан бир вақтлар классик генетика ташқи муҳитнинг ирсиятга таъсирини эътироф қилимайди, деб кенг тарқалган фикрлар нотўғридир. Классик генетика ҳам белгининг шаклланиши масаласида индивидуумнинг генетик тузилишини (конституцияси) билан атрофдаги муҳит ўртасидаги доимий ўзаро боғланиш (алоқа) принципига таянади. Мана шу принципига кўра ривожланишнинг (генотипларнинг) потенциал (яширин) имконияти ота-онадан ворис бўлиб қолган генлар комплексига боғлиқдир, аммо мана шу имкониятлардан қайси бири ва қай тарзда амалга ошиши (фенотип) ҳақидаги масала теварак-атрофдаги шарт-шароитга қараб белгиланади.

Классик генетикада генетик конституцияни аниқлаш учун генотип ва белгилар комплексини ифодалаш учун фенотип тушунчалари борлигининг ўзи генлар билан муҳит ўртасидаги ўзаро боғланиш мавжуд эканлиги ҳақидаги принципнинг эътироф қилингандигидан далолат беради, чунки генотип ҳамда фенотиплар аслида генлар билан муҳитнинг биргаликда таъсири этиши натижасида намоён бўлади.

КЛАССИК ГЕНЕТИКАНИНГ ГЕНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ТУҒРИСИДАГИ ҚҰЗАТИШЛАРИ

Башарти Менделнинг оталик ва оналик белгилари-нинг ворислиги ҳақындағи қонунлари фақат битта геннинг мазкур белгі (айтайлик, раңг)нинг намоён бўлишига кўрсатган таъсирини ўрганиш асосида яратилган бўлса-да, классик генетика кейинчалик организм кўпчилик белгиларининг кўп генларнинг таъсирига боғлиқ эканлигini аниқлади. Бинобарин, турли генлар айнан бир белгининг ёлғиз ўзига таъсири кўрсатиши ҳам мумкин. Айни вақтда классик генетикада битта геннинг бирдан ортиқ белгига таъсири кўрсатиши мумкинлиги ҳам маълум эди. Кўп ҳолларда мутация вужудга келаётган пайтда бирги-на белгининг ўзгариши бир қатор бошқа белгиларнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Бунга истаганча мисол кўрсатиш мумкин, аммо вазифа мана шу геннинг ўзига хос дастлабки шундай таъсирини аниқлашдан иборат-дир. Ҳеч шубҳасиз, геннинг моддий табиатини ва унинг таъсири амалга ошириладиган механизмларни, яъни молекуляр генетик ифодалари тўғри тушунилгандагина бу саволга қониқарли жавоб олиш мумкин.

Дарҳақиқат, бир қатор ҳолларда, хусусан молекула-ларнинг айрим генларнинг дастлабки таъсири билан бошқариладиган кимёвий ўзгаришларининг баъзи қисм-ларини тушунтириб беришда фан жуда илгарилаб кетди. Аммо мазкур борадаги дастлабки изланишлар XX аср-нинг бошларидаётқ ўтказилган эди. Буни биз моддалар алмашинуви табиий ҳолда издан чиқиши натижасида қон ҳамда сийдикда одатдагидан ташқари кимёвий мах-сулотлар пайдо бўлганлиги аниқланган дастлабки тек-шириш ишларидаётқ яққол кўрамиз. Бу ирсий аномалия-лар (одатдаги табиий ҳолдан четга чиқиши — бузилиш, айнишлар)га рецессив аллеллар сабаб бўлиб, улар ма-на шундай ген бўйича гомозигатланган шахсларда, яқин қон-қориндош йигит-қизлар (амакивачча, тогавачча, холавачча ва ҳоказолар) бирга оила қуришганда пайдо бўлади.

1905 йили шундай касалликлар жумласига киравчи алкаптонурия касаллиги аниқланди. 1930 йилда ақли яхши ривожланмай қолган шахсларда сийдикда патоло-гик компонент фенилпироузум кислота пайдо бўлиши тасдиқланди. Шунинг учун ҳам мазкур касаллик *фенил-*

пироузум кислотали ақилласлик деб аталди. Организмда биологик нуктаи назардан мұхим бирикмаларнинг биосинтези ёки алмашинуви бузилиши билан бөрлиқ бўлган бир қатор бошқа оиласвий касалликлар ҳам маълум. Буқоқ ва кретинизм (ақл ва жисмоний ўсишнинг бузилиши) билан кузатиладиган қалқонсимон без гормонлари ҳосил бўлиши ва алмашинувининг бузилиши шулар жумласидандир. Бундай касалликлар яхши таърифланган, улар унча сийрак учрамайди. Патологиянинг бу барча шакллари ҳозирги вақтда умумлаштирилиб молекуляр касалликлар деб аталади ва улар учун мазкур белгининг намоён бўлишига асос бўлган молекуляр (кимёвий) механизmlар аниқланган. Қуйироқда патологиянинг мазкур шакллари устида яна тўхтalamиз, бу ўринда биз уларни айниганд геннинг мутациянинг белгиси сифатида, дастлабки намоён бўлиш тарзида баён қилдик.

Бинобарин, генининг дастлабки таъсири муайян кимёвий эфектда ифодаланади, яъни молекуляр ўзаро таъсирини қўзғатади. Қуйида кўрсатиб ўтилганидек, ҳужайра метаболизмининг бу барча айнишлари ва одатдан ташқари компонентларнинг пайдо бўлиши биокимёвий ўзгаришда фермент-катализаторларнинг иллати билан изоҳланади. Уларнинг йўқ бўлиши алмашинувининг ўзгариш занжирида айрим қисмларнинг тушиб қолишига, патологик маҳсулотларнинг тўпланиши ва ажralишига сабаб бўлади. Алкаптонурия бўлган тақдирда сийдикда гомогентизат кислота ажralиб чиқади. Модда алмашинуви жараёнида организмда ҳосил бўладиган мазкур кислота нормал шароитда яна ҳам ўзгаришга учраши лозим эди. Аммо мазкур кислотанинг кейинги ўзгаришини таъминловчи ферментнинг йўқлиги унинг тўплана бориб, сийдикда ажralиб чиқишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, классик генетика ҳам айрим генлар таъсири кўрсатишининг молекуляр механизмларига кириб борган эди. Бироқ бундай фактлар онда-сондагина учраб, ген таъсирининг дастлабки кўринишларига даҳлдор бўлиб, унинг структураси ёки ҳосил бўлишига тегишли эмас эди.

ХРОМОСОМАЛАР ВА ҲУЖАЙРАЛАРНИНГ БЎЛИНИШИ

Авлодда турли белгиларнинг алоҳида ёки биргаликда намоён бўлиши ва уларнинг хилма-хил комбинацияларини батафсил чуқур таҳлил қилиш асосида хромосомалар

мунтазам тартибда жойлашган ва улар ҳамиша мұайян бир қатый ҳолатда бўладилар, деган хуносага келинди.


Ҳозирги кўринишда ирсиятнинг хромосом назарияси-ни яратишида Морган ва унинг группасининг хизмати катта бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, Морганга қадар ҳам ҳужайра бўлинаётгани вақтда хромосомаларнинг холатини кўрсатувчи жуда кўплаб фактик маълумотлар тўплаш билан бирга улардан чуқур назарий хуносалар ҳам чиқарилган эди.

1888 йилга келиб хромосомалар мана шу ном билан атала бошланди. Аммо уларнинг ўзи бундан анча илгари кузатилган эди. Хромосомаларнинг ҳужайра бўлинаётгап пайтдаги морфологияси, миқдори ва даврий ўзгариши гарчи батафсил ўрганилган бўлса-да, бироқ уларнинг ирсият билан алоқаси бирмунча кейинроқ аниқланди.


Хромосомалар ҳужайра ядроининг мураккаб тузилган ипсимон структура элементи бўлиб, ўзига хос индивидуаллик ҳамда функцияга эга. Хромосомалар ўз-ўзидан кўпаяди. Улар ядро бўлишаётгани пайтда унда аниқ кузатилади. Ҳужайра бўлинишининг митоз (бунда хромосома сони икки баравар кўпайиб, ёш ҳужайраларда тенг миқдорда тақсимланади) ва мейоз (жинсий ҳужайраларда хромосомалар сони икки марта қисқариши билан кечадиган бўлиниш) деб аталган узлуксиз ўзгаришлари қатори жараёнида хромосомалар ўзининг морфологик ва физиологик хоссаларини тўла сақлаб қолган ҳолда наслдан-наслга ўтади. Митознинг дастлабки профазасида хромосомалар яхши кўриниб турадилар. Бу фазада улар, гарчи тартибсиз жойлашган бўлса-да, бироқ ҳеч бир ерда бир-бирига тегиб турмайди. Аммо мейозда хромосомалар аввал бошданоқ иккиланган: ҳар қайси хромосома бир-бирига яқин турган иккита хроматид кўринишида бўлади.

Хромосоманинг катталиги нисбатан ўзгармай доимо бир хилда бўлади. Одамда уларнинг узунлиги 4—6 микронга тенг келади. Ҳайвон ва ўсимликларнинг айrim турларида ҳам хромосомалар сони, уларнинг писбий катта-кичиклиги, шакли, ҳолати ва ички тузилиши бир хил, доимийдир.

XX асрнинг бошларидаги Сэттон чигирткада сперматогенезни (эркак жинсий ҳужайраларнинг пайдо бўлишини) ўрганар экан, баъзи бир генлар учун белгиларнинг



10-расм. Иккита хромосомалн гипотет ҳужайра митозининг схемаси. Хромосома ва центролларнинг ўзгариш цикли кўрсатилиган. 1—3-профаза, 4—прометафаза; 5—метофаза, 6—анофаза, 7 ва 8—телофаза.



11-расм. Хромосомаларнинг қўшилиши, ажралиши ва тақсимланишини кўрсатувчи мейозанинг умумий схемаси.

ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтиш имконияти борлигини олдиндан айтиб берди ва ҳужайралар қўпаяётганда хромосомалар ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида умумлаштирувчи фикрларни илгари сурди.

Сэттон маълумотларига кўра, барча ҳужайраларнинг (жинсий ҳужайралар — гаметалар бундан мустасно) хромосомалари қўш (жуфт), морфологик нуқтаи назардан фарқли типлар шаклида бўлади, бинобарин, ҳар қайси ҳужайра ядроисида ҳар бир типнинг иккитадан хромосомаси мавжуд. Митоз пайтида уруғланган ҳужайрада (зиготада) хромосома иккиланиши ва иккита бола ҳужайра бўйича баравар тақсимланиши натижасида ҳар қайси ҳужайра ҳар бир тип хромосомадан икки нусхадан (диплоид, қўшалоқ набор) олади. Фақат мейоз пайтида бола ҳужайра ҳар қайси тип хромосомадан бир нусхадан олади (наборнинг ярмини — гаплоид, тоқ набор) ва уруғланишда иштирок этувчи жинсий ҳужайраларни ташкил қиласидилар. Уруғланаётган эркак гамета (сперматозонд) билан ургочи гамета (тухум ҳужайра) қўшилиб, ядроисида қўш (диплоид) хромосомалар тутувчи бир ҳужайрали зигота пайдо бўлади.

12 - расм. Хромосоманинг центромерлар ҳолатига кўра аниқланазиган учта морфологик типи.

ган хромосоманинг
Менделъ постулат тариқасида баён қилган генлар
ўзгаришига аниқ мос келишига алоҳида эътибор берди.

Мана шу ўхшашликлардан фойдаланган Сэттон шу нарсани осонгиша пайқадики, ёхуд хромосомалар билан генлар бир хил нарсалардир, ёхуд генлар хромосомалар




Сэттои ҳужайра бўлинишини текшириш асосида шакллан-кузатилаётган ўзгаришлари қиласида баён қилган генлар

ицида жойлашгандир. Баъзи турларда хромосома сони ғоят кам, лекин ҳар қандай организмнинг айрим белгиларини назорат қилиб турувчи генлар сони эса бир неча юздан ортиқ бўлганлиги сабабли биринчи фараз ўз-ўзидан дарҳол чиппакка чиқади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, генлар хромосомаларнинг қисми бўлиши керак, аммо баъзи генлар айнан бир геннинг ўзида бириккан бўлиши лозим.

Сэттоннинг бу фикрлари 1903 йилда айтилган бўлса, Морган ва унинг группаси иренятнинг ҳозирги хромосом назариясининг шаклланишига сабаб бўлган ишлари 1910 — 1920 йилларда бажарилган. Морган ва унинг ходимлари ўз текширишлари давомида генларнинг мустақил тарқалиши қонунида бир қатор чекланишлар мавжуд эканлигини аниқладилар. Айрим чатиштириш ишларида бир қатор белгиларнинг наслга алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки масалан, калта жунли кора ранг ва узун жунли жигарранг тус каби биргаликда ўтиш тенденцияси қайд қилинган эди. Бу ҳодиса айрим генларнинг битта хромосомада қатор жойлашганлиги ва уларнинг бирга яшашлиги билан изоҳланади. Генларнинг бу тарзда биргаликда ёнма-ён яшаш ҳодисаси уланиш (сцепление) деб аталади.

Кулранг тусли қоракўл қўзиларда учрайдиган қисқа (кам) яшашининг терининг кулранг туси билан бирга қўшилиб кетиши, афтидан, генлар уланишининг бир кўриниши ҳисобланади. Шу нарса аниқландики, фақат кулранг тусли қорақўл қўйларнинг ўзи кўпайтирилганда уларнинг тахминан учдан бир қисми, қонда тариқасида, биринчи йил давомидаёқ ўлиб кетади. Кулранг тусли қоракўл совликлар билан қора тусли қоракўл қўйлар чатиштирилганда олинган қўзиларда қисқа муддатда ўлиб кетадиган қўзилар сони камаяди, бироқ айни вақтда териси кулранг тусли қўзилар проценти ҳам пасайиб кетади. Бундан ташқари, териси қоришиқ тусли (кулранг-қора) қўзилар пайдо бўлади. Озиқлантириш ва боқиш шароитларини ўзгартиш орқали кулранг тусли қоракўл қўзиларининг табиатини ўзгартиб бўлмади, нормал яшайдиган кулранг тусли қоракўл қўзиларини олиш амалий жиҳатдан муҳим вазифадир. Эҳтимол, бу вазифа ҳозирги замон генетикаси нуқтаи назаридан янгича ёндашиш асосида ҳал қилинар.

Уланишда узилиш бўлиши ва гомологик хромосом дурагайлар ўртасида ўрин алмаштириш натижасида содир бўлувчи навбатдаги рекомбинация туфайли айни бир хромосоманинг ўзидағи генлар эркин таксимланса керак. Бу ҳодиса кроссинговер деб аталади. Мазкур феномен мейоз пайтида хромосоманинг муайян



13-расм. Бир-бирига қўшилган генлар рекомбинациясининг модели.

қисмида кесишиш (чорраҳа) ҳосил бўлганда рўй беради.

Иккита қўшилган генларнинг рекомбинация частотаси хромосомада улар ўртасидаги масофага боғлиқдир. Ўз-ўзидан аёнки, улар ўртасидаги масофа қанчалик яқин бўлса, кроссинговер эҳтимоллиги шунча кам бўлади, аксинча бу масофа қанча катта бўлса, кроссинговер эҳтимоллиги шунча қўп бўлади. Жуда кўп генларнинг кутилиши мумкин бўлган барча комбинацияларини пухта текшириш йўли билан уланиш даражасига кўра улар ўртасидаги масофани баҳолаш ва ана шунга асосланиб генларнинг хромосомадаги ҳолатини (локусларини) график тарзда аниклаш мумкин.

Бундай текширишлар олиб бориш учун бир-биридан тафовутланувчи бир хил белгиларга молик айрим жинслар чатиштирилгандан кейинги бўлининшда ирсий омиллар ҳолати конуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Нўхатининг иккита турли навини чатиштирганди ота-онадаги фарқларни авлодга ўтишини таҳлил қилиш

түфайли Мендель ўзининг қонунларини кашф этди, кўзининг ранги жиҳатидан фарқланувчи иккита мева пашшасини чатиштириш орқасида Морган ирсият хромосомаси назариясини аниқлашга муваффақ бўлди.

Геннинг нозик структурасини ўрганиш учун ўз-ўзидан рўй берадиган ёки турли омиллари келтириб чиқарадиган мутациялар жуда мувофиқ материал бўлиб чиқди. Мутация ген структурасини ўзгартиради ва бу билан организмларда тафовутнинг туғилишига сабаб бўлади.

Мана шу тариқа хромосома хариталари тузилади. Бундай хариталарда хромосомада генларнинг нисбий жойлашуви тасвирланади.

ГЕНЕТИКАДА МОЛЕКУЛЯР ТАСАВВУРЛАРНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

Генетикларнинг ўтказган кўп текширишлари барча ҳайвон ва ўсимлик организмларида, улар эволюцион тараққиётнинг қайси босқичида туришларидан қатъий назар, ирсият бирликлари мавжудлигини кўрсатди. Оталик-оналик белгиларининг наслга ўтиш қонунияти текширилган объектларнинг ҳаммасида умумий эканлиги маълум бўлди. Бундан ирсият, ривожланиш ва эволюция асосида қандайдир умумийлик бор, шунинг учун ҳам баъзи бир организмлар устида олиб борилган экспериментларда аниқланган қонуниятлар, кашфиётлар бошқа организмларга ҳам худди шу тарзда татбиқ қилинаверса бўлади деган фикр туғилди. Бу ҳол умумий генетик қонуниятларни ўрганиш учун хилма-хил объектлардан фойдалана олиш имконини беради. Бундай мақсадлар учун микроорганизмлар жуда қўл келади, чунки уларни ўстириш ва кўплайтириш осон бўлганидан янги авлодини тез олиш мумкин. Бу ҳол жуда кўплаб организмлар устида бемалол иш олиб бориш имконини беради. Бундан ташқари, бактерияларда турли-туман омиллар таъсирида вужудга келадиган мутацияларни кузатиш қулай. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон генетикаси асосий эксперимент ишларининг микроорганизмлар устида бајарилганлигига ва умумий генетиканинг муҳим назарий умумлаштирувчи холосаларининг микроорганизм устида олиб борилган текширишлар натижалари асосида қилинганлигига ҳеч ажабланмаса ҳам бўлади.

Бироқ генетика муаммоларини ҳал этишининг молекулляр аспектларини қўриб чиқишидан олдин

бу соҳанинг ривожланишига сабаб бўлган шарт-шароитлар устида тўхтаб ўтиш лозим.

Классик генетиканинг ҳозиргина санаб ўтилган кашфиётлари унинг қисқа тарихида айрим муҳим босқичларни ташкил этади. Агар классик текширишлар Менделдан кейин, 1865 йилдан то XX аср бошигача, яъни Мендель ишлари қайтадан кашф қилиниб, кечикиб бўлса ҳам эътироф қилингунга қадар ўтган вақт ичидагенетика тарихида сезиларли из қолдирмаган бўлса, 1900 йиллардан эътиборан эса унинг ривожланишида интенсив ва тобора жадаллашиб борувчи давр бошланади. Бу давр унинг сифат жиҳатдан янги, молекуляр генетика деб аталган босқичининг вужудга келиши билан қўшилиб кетади.

Генетиканинг янада ривожланишида ҳужайрадаги дезоксирибонуклеин кислоталар локализациясини гистологик текшириш, рентген нурлари ва кимёвий агентлар таъсирида содир бўладиган мутацион ўзгаришларни кузатиш муҳим аҳамият касб этди. Хромосомаларда ДНК нинг борлигини 1924 йили Фёльген гистокимёвий реакция ўйли билан биринчи марта намойиш қилди. ДНК ни ўзига хос равишда аён қилувчи бу реакция кучсиз кислотали гидролиздан кейин ажralиб чиқадиган молекуланинг углеводли компоненти альдегид группасининг лейкофуксин (Шифф реактиви) билан таъсирига асосланганadir. Фёльген реакцияси туфайлигина хромосомаларда ДНК асосий массасининг жойланиши гарчи аниқланган бўлса-да, бироқ уларнинг ирсий белгиларни ўтказиш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги тўғрисида ҳали ҳеч нарса маълум эмас эди.

ҚИМЁВИЙ МОЛЕҚУЛАЛАР — ИРСИЙ БЕЛГИЛАРНИ ЭЛИТУВЧИЛАРДИР

Нуклеин кислоталарнинг биологик ролига оид дастлабки маълумотлар 1944 йили бактериялар трансформацияси текширилаётган пайтда олинди. Бу ҳодисанинг пневмококларда (ўпканинг яллиғланишини қўзғатувчилар) мавжудлиги биринчи бор 1927 йилдаёқ пайқалган эди. Мазкур ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, бактериал ҳужайрада бошқа штаммлардан тайёрланган кимёвий экстракт таъсирида наслий белгиларни ўтишида ўзгариш рўй беради. Бунда ўзига хос

трансформация содир бўлади, яъни экстракт ўзи тайёрланган бактериал культуранинг (ўсиб кўпаётган бактериялар) белгиларини бошқа штаммга ўtkазади.

Экстракт таркибидағи қандайдир кимёвий компонент ирсий белгиларни ёки бошқача қилиб айтганда, мазкур организм учун хос бўлган генетик информацияни ташиб ўтиш хусусиятига эга эканлигига ҳеч қанақа шубҳа қолмаган эди. Эвери ва ушинг ходимлари ма-на шу компонентларнинг табиатини текширадар эканлар, улар ДНК молекулалари худди шу моддалар эканлигини кўрсатдилар.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, юксак ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайралари учун хос ядрога эга бўлмаган бактериал ҳужайрада ДНК нуклеоид деб аталган махсус органеллада бўлади. Бу майда дискерт тузилмалар бактериал культуналар ўсиш жараённида ўсади, бўлинади ва бола ҳужайралар баравар тақсимланади. Нуклеоидларда ДНКнинг борлигини шу билан исботлаш мумкини, уларни ДНК-нинг парчаловчи махсус ферменти ДНК — аза билан ишлаганда мазкур тузилмалар бузилиб кетади ва Фёльгеннинг характеристири реакциясини бермайди.

Шундай қилиб, ирсий белгиларни элтувчи кимёвий молекулалар аниқланди. Дезоксирибонуклеин кислоталар ана шундай молекулалар бўлиб чиқди. Бу ажойиб кашфиёт генетик тадқиқот ишларида янги босқични бошлаб берди. Бу ҳол молекуляр генетиканинг пайдо бўлиши ҳамда тез суръатлар билан ривожланишига сабаб бўлди. ДНК нинг ирсий белгиларни элитувчилик роли ҳақида хulosса ҳужайрада нуклеин кислоталарнинг биологик роли ҳали мутлақо номаълум бўлган бир вақтда қилинганилиги учун ҳам бундай хulosса чиқарилиши жуда юксак баҳога лойиқ. Молекуляр биологиянинг қисқа тарихидаги кейинги пайтларда қилингани ажойиб кашфиётларнинг кўпчилиги генетик информация амалга ошишининг молекуляр механизмларини талқин этиш билан боғлангандир.

Пневмококклар трансформацияси юзасидан қилингани дастлабки ишлардан сўнг кўпгина турлар ва хилма-хил белгиларни ДНК ёрдамида трансформация қилиш, яъни ирсий белгиларни бир организмдан бошқа организмга ўтказиш мумкинилиги аниқланди. Мутацион ўзгаришга учраши мумкин бўлган белгиларнинг қарийб ҳаммаси мазкур белгига эга бўлган организмдан олинган ДНК

ёрдамида бошқа организмга ўтказилиши мумкин. Айтайдык, пенициллинга сезгир бактерия штаммларини пенициллинга чидамли штаммлардан олинган ДНК билан ишлаш орқали уларни генетик жиҳатдан мана шу антибиотикга чидамли қилиб қўйиш мумкин.

Худди мана шу йўл билан мазкур штаммда йўқ бошқа биокимёвий белгиларни ҳам унга ўтказса бўлади ва хоказо. Молекулалар ёрдамида ўтказилган бундай белгилар ҳам мазкур штаммга хос бошқа ирсий белгилар сингари бактериялар кўпайиш жараёнида авлоддан авладга ўтаверади.

Ирсий белгиларни бир организмдан бошқасига ташиб ўтказишининг муҳим бир хусусиятини кўрсатиб ўтиш лозим. Бу хусусият шундан иборатки, бир турнинг ДНКси ўша тур ёки унга яқинроқ бўлган турнинг бактерияларинигина трансформация қила олади (ўзгартира олади). Албатта, бу ДНК молекулаларининг ҳужайранинг ҷикарисига кира олмаслигига айни боғлиқ эмас, балки бунинг боиси унинг ҳужайра ичда ҳаракат қилишига қодир эмаслигидадир, бу эса, ҳеч шак-шубҳасиз структура жиҳатдан тафовут қилиш билан чекланади. Улар ДНКнинг тузилиши ва фаолият механизмлари билан яқиндан чуқурроқ танишилгач яна ҳам равшанлашади.

ДНК, ХРОМОСОМА ВА ГЕНЛАР

ДНКнинг ирсий белгиларни танишдаги роли кашф этилиши, сунгра ирсий белгиларни ўтказишининг молекулар механизмларининг аниқланиши генетик тушунча, тасаввурларни кимёвий ифодаларда кўриб чиқиши имконини берди.

Хуллас ҳужайрада ДНК молекулалари бор. Ирсий информацияларининг ҳаммаси ана шу молекулаларда мужассамлангандир. Ўнинг молекуляр структурасида тур ва индивидуумнинг барча белгилари шифрлаб қўйилган. Мазкур белгилар ҳужайрадан ҳужайрага, организмдан организмга ўтади ва ривожланиш давомида юзага чиқаборади.

Айрим вирусларда генетик информацияни нуклеин кислоталарининг бошқа бир тури — рибонуклеин кислота (РНК) ҳам ўзида сақлайди ва кўчиради, мазкур ҳолда бу молекула ДНК функциясини бажаради. Бироқ бу ҳужайра генетик аппарати тузилишининг умумий қону-

ниятлари нұқтаи назардан жуда ҳам чекланғандыр. Аммо ДНҚ молекуласига жойлаштирилған ирсий информациянинг амалга оширилиши ҳужайраларнинг ҳаммасыда тегишли РНҚ биосинтезиниң тақозо қилади, бинобарин, рибонуклеин кислоталар ҳам генетик механизмда зарур компонент ҳисобланады.

ДНҚнинг асосий генетик материал сифатидаги роли бундан йигирма беш йил мұқаддам аниқланғанды, аммо бунга қадар ҳам ҳужайрада ДНҚнинг муҳым роли ҳақида бевосита далолат берувчи анча-мунча фактлар маълум эди. ДНҚнинг юксак организмлар ҳужайралари хромосомалари таркибида ва бактерияларнинг нуклеоидларидагина мавжудлиги аниқланды. Мазкур ҳужайрадаги ДНҚнинг мікдори уннинг таркибидаги хромосома дасталарининг сонига бевосита боғлиқдир. Мирски билан Рис ҳар қайси түр ҳужайралари учун хромосоманиң бир дастасыда ДНҚнинг мікдори доимий эквилигни аниқладылар. Хромосома таркибида ДНҚнинг күп мікдорда мавжудлиги, бактерия күпаяётган пайтда мікдорининг иккі баравар ортиши ва бола ҳужайралар бүйіча аниқ тақсимланишининг белгиләниши уларнинг ҳужайрадагы биологик ролини тушунтириб беришга олиб келди, бу эса ирсиятнинг молекуляр механизмларини аңглаб олиш учун йўл очиб берди.

Кейинги текширишлар шуны кўрсатдик, хромосомалар нуклеопротеидлардан (оқсил ва нуклеин кислоталардан тузилган мураккаб оқсил) иборатдир, аммо мазкур комплекснинг асосий қисмни нуклеин кислоталар ташкил этади. Хромосомалар билан ДНҚнинг генетик роли ва ҳужайранинг бўлишиши жараёнидаги ўзгариши айнан бир хилдир деган нұқтаи назар ҳам ана шунга асосланади.

Ген тушунчаси бу вақтга келиб ирсиятнинг элементар бирликлари сифатида аниқ таърифга эга бўлди. Юқорида кўреатиб ўтганимиздек, генлар хромосомада тизма тартибда жойлашган бўлиб, уннинг айрим қисмии ташкил этади. Молекуляр генетика ифодаларида ген ДНҚ молекулаларининг муайян белгиларини назорат қилиб турувчи қисмдан иборатдир. Бироқ уни функционал, морфологик ва кимёвий бирлик сифатида яна ҳам аниқроқ таърифлаш нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва улар фаолияти механизми тўғрисидаги баъзи бир маълумотларни билишни тақозо қилади.

ХУЖАЙРАДАГИ НУКЛЕИН КИСЛОТАЛ.

ДНК нуклеин кислоталарнинг бир тури бўлиб, улҳа ҳужайра ядросида дастлаб топилганлиги ва кислоталик хусуси ти бўлганлиги учун ҳам шундай ном билан аталади. Бундай бирикмалар гарчи бундан деярли юз йил илгағи биринчи бор кашф этилган бўлса-да, бироқ улар узоқ вақтгача биологларнинг назар-эътиборидан четда қолиб, фақат кимёвий текшириш предмети бўлиб келди.

Асримизнинг ўттизинчи йиллари ўртасигача ҳам нуклеин кислоталардан асосий икки гуруҳи: рибонуклеин кислота (РНК) билан дезоксирибонуклеин кислота (ДНК)ларнинг ҳужайрада қандай иисбатда тақсимланганлиги ва уларнинг биологик роли номаълум эди. Илгарилари нуклеин кислоталар фақат ҳужайра ядросида тўпланади, хусусан РНК ўсимлик ҳужайралари ядросида, ДНК эса фақат ҳайвонот организми ҳужайрасининг ядросида бўлади, деб ҳисобланниб келинар эди.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, кимёвий ва цитологик текширишлар бундай қараашларнинг хато эканлигини кўрсатади. ДНК билан РНКнинг бир-биридан фарқи улар олинган манбаларда эмас, балки уларнинг ҳужайра ичида цитокимёвий тақсимланишида эканлиги маълум бўлди. Эндиликда РНКнинг кўпроқ цитоплазмада, ДНКнинг эса ядрода учраши аниқ исботланган. Нуклеин кислоталарнинг цитоплазма ва ядродан ташқари яна ҳужайрадан қўйи ташкил топган структураларда ҳам борлигининг аниқланилиши бирикмаларнинг бу синфиға бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Бунинг натижасида эллигиничи йиллардан бошлаб кетма-кет шунда муҳим кашфиётлар қилиндик, улар ҳеч шубҳасиз биологик фанларнинг ҳаммасида чуқур из қолдирди.


Бу вақтга келиб гарчи ДНКнинг ирсий омил сифатидаги роли сўзсиз исбот қилиб берилган бўлса-да, бироқ уни ҳаракатга келтирадиган молекуляр механизmlар, ҳужайрада РНКнинг роли ҳақидаги масалалар ҳамон мутлақ ёритилмаган эди.

Бўлиниш маҳсули бўлган бола ҳужайрада ДНК миқдорининг доимилиги қандай таъминланиши, ДНКдан ирсий белгиларни ҳужайранинг барча функционал механизmlарига қандай механизmlар ёрдамида ўтказилиши каби масалаларни ҳал этиш, аниқлаш зарур эди. Крик ва Уотсонларнинг ДНКнинг бир-бирига ўралган иккита

симон структураси ҳақидаги ажойиб фаразлари ту-
йли мәзкур мұаммолар жуда түғри ҳал қилинди. Кей-
інчалик Корнберг ДНКнинг микдори жуда оз бўлган
хужайрасиз системаларда ДНКни синтезлаш юзасидан
олиб борган ишлари Крик ва Уотсонларнинг фаръзлари-
ни бутунлай тасдиқлади. Бу масалаларни баён қулишга
нуклеин кислоталарнинг структураси ва хусусиятлари
түгрисида баъзи бир тасаввурлар ҳосил қилиб олгач ки-
ришиш мақсадга мувофиқдир.

НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ


Нуклеин кислоталар, шу жумладан РНК ҳам, ДНК
ҳам, юксак полимерли бирикмалар бўлиб, жуда кўп мо-



14-расм. Азотли асосларнинг тузилиши.

Онуклеотидлардан тузилгандир. Мононуклеотидларнинг
жар қайси молекуласи, ўз навбатида азот асослари, беш
улеродли углеводнинг бир молекуласи ва фосфат кисло-
та молекуласидан таркиб топади. Азот асослари **пурин**
ёки **пиримидин** бирикмалар группасига киради. Улар
оқсил структурасидаги ғишталарни ташкил этувчи
аминокислоталар сингари ранг-бараңг эмас. РНК тар-
кибида азот асосларидан **аденин** (A), **гуанин** (G), **урацил**
(U) ва **цитозин** (I) лар бор, ДНК таркибида ҳам худди
мана шу азот асослари учрайди, аммо урацил буздан
мустасно бўлиб, унинг ўрнида **тимин** (T) туради. Шун-
дай қилиб, ДНК ва РНК молекулаларида ҳаммаси бў-
либ тўрттадан турли азот асослар мавжуд. ДНК билан

РНК ўртасидаги яна бир муҳим тафовут, биринчисининг углевод компоненти дезоксирибоза, иккинчисиники эса рибоза эканлигидир. Мазкур компонентлар ҳар бир нуклеотид молекуласида шундай бириккан бўладики, бунда



15-расм. Мононуклеотиднинг тузилиши.

беш углерод атомига эга бўлган углевод ўртада, азот асослар ва фосфат кислотасининг қолдиги молекуланинг икки четида жойлашган бўлади.



16-расм. ДНКнинг тузилиш схемаси.


Кўп сонли мононуклеотидлардан тузилган занжирсиз мон узун тизмадан иборат РНК ва ДНК молекуласида навбатланиб келадиган углевод (рибоза ёки дезоксирибоза) ҳамда фосфат кислота қолдиқларидан устун (суяничиқ) ҳосил бўлади, ҳар бир қанд молекуласи қолдигига эса азот асоси келиб қўшилади.

РНК билан ДНКнинг қолган тафовутлари уларнинг молекуляр тузилишидан келиб чиқади.

ДНК — жуда узун занжирсизон тизмадан иборат полимер бўлиб, у ками 10.000 мононуклеотиддан ташкил топгандир. Айтиб ўтилганидек, ДНКнинг анча қисми



17-расм. ДНКнинг тузилиш схемаси.




18-расм. Нуклеотидларнинг пурин ва пириимидин асосларини ўртасидаги водородли боғланиш.

ягона полинуклеотид занжир шаклида эмас, балки бир-бiri билан эшилиб қўшалоқ спирал ҳосил қилувчи иккита чўзилган тизмадан иборат.

Бундай иккита тизмали структура ҳар иккала занжирдаги пурин асослар билан пириимидин асослар ўртасида водород боғланишлари туфайли анча мустаҳкам сақланиб туради.

Кўйидаги расмда фосфат кислотасининг қолдиқлари доирачалар билан белгиланган, дезоксирибоздаги ДНКнинг беш углеродли углевод компоненти оқ беш бурчаклар билан кўрсатилган. Улар молекуланинг таркибida бўлиб, унинг асосини ташкил этади. Дезоксирибознинг ҳар бир молекуласи пурин ёки бўлмаси пириимидин

асослари билан бириккан бўлади. Молекула билан асослар ўртасида эса водородли боғланиш (пунктир чизиқлар) ҳосил бўлади.




19-расм. ДНК молекулалари модели.

Икки полинуклеотид занжирига мансуб манфий зарядли икки атом (азот ва кислород ёки азот ва азот атомлари) ўртасида водороднинг тортилиб туриши натижасида ҳосил бўлган водородли боғланишнинг ўзи гарчи анча кучсиз бўлса-да, бироқ икки занжир ўртасида бундай боғланишлар жуда кўп бўлганлиги сабабли икки полинуклеотид тизмаларининг боғланишини анча мустаҳкам қилиб қўяди.

Алоҳида азот асосларнинг бир-бирига мос (комплектар) жойланишида водородли боғланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мазкур боғланиш натижасида иккинчи занжир шаклланишида муайян азотли асослар доимо биринчи занжирнинг бошқа асослари тўғрисига жойлашади. Бу жойланишда бир тизмадаги адени билан ҳар доим иккинчи тизмадаги тимин, шунингдек гуанин билан цитозин қўшилган бўлади.

ДНКнинг ўз нусхасини яратиш механизми

Синтез жараёнида янги ДНК занжирни вужудга келади. Бунда янги пайдо бўлаётган полинуклеотид занжирда нуклеотидларнинг кетма-кетлиги уларнинг биринчи занжирда жойланиш тартиби билан белгиланади. Би-



20-расм. ДНК репликациясиниг схемаси.

нобарин, нукленн кислоталарнинг молекулалари комплементар тарзда ҳосил бўлади. Мана шу содда механизм ҳужайрадаги ДНК доимо адашмай ўз нусхасини яратишни, икки марта кўпайиши (репликация) ни таъминлайди. Бу жараён ўз нарабатида бошланғич ДНКнинг ўзига ўхшаш ДНК ҳосил бўлишига олиб келади. Мазкур жараённинг кечишида она ҳужайрадаги ДНК янги ҳосил бўладиганлари учун гўё бир андоза (қолип) ролини ўй-

найди ва унга мұхитда бўлган айрим мононуклеотидлар шу тартибда уланадики, янги ҳосил бўлаётган занжир она ҳужайрадаги ДНК молекуласининг айни нусхаси бўлиб чиқади.

Ҳужайра бўлинишида она ҳужайра таркибидаги мавжуд материал тенг иккига бўлинади. Бунда хромосомада ДНК молекулалари шаклида бўлган генетик материал даставвал репликация йўли билан икки марта кўпаяди, сўнгра иккала бола ҳужайра ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Ҳужайра цикли давомида ДНК миқдорининг икки марта кўпайиш механизми радиоавтография усули ёрдамида айниқса муваффақият билан текширилмоқда. Маълумки, радиоавтография усули радиоактив бирикмалардан фойдаланиш ва ёруғлик сезгир эмульсияда изотопларнинг тасвирини олишга асосланади. Агар ҳужайрага водороднинг радиоактив изотопи тритий (H^3) бўйича нишонланган тимидин (ДНК молекуласи учун хос бўлган мононуклеотид) жиритилса ва ҳужайранинг фиксация қилинган препаратининг усти фотоэмульсия билан қопланса, у ҳолда изотопнинг ядро нурлари тарқатиши туфайли эмульсияда ДНК таркиби га кирган унинг олдбирикмаси (тимидин) га ҳолати ва интенсивлиги билан жуда мос келадиган тасвир ҳосил бўлади.

Мазкур усул шуни кўрсатдики, ҳужайра бўлинаётган пайтда ДНК миқдори ядрода аввал икки баравар ортади, сўнгра митотик бўлиниш жараёнида бола ҳужайралар бўйича баббаравар тақсимланади.

Микроорганизмлар устида текшириш олиб борилганда микроб культурасининг ҳужайралари 10 минут давомида H^3 тимидин билан инкубация қилинади, яъни бирга қолдирилади, сўнгра культура обдон ювилгандан кейин H^3 тимидин бўлмаган мұхитга жойланади. Орадан 1 — 2 соат ўтказиб радиоавтография олинганда 4 соатдан сўнг хромосомаларда нишон (изотоп) пайдо бўлганлигини пайқаш мумкин.

ДНК ўзининг олд бирикмалари мононуклеотидлар — аденоzinтрифосфат (АТР), гуанозинтрифосфат (ГТФ), тимидинтрифосфат (ТТФ) ва цитидинтрифосфат (ЦТФ) дан синтезланади. Бунда албатта полимерловчи фермент қатнашади, матрица сифатида оз миқдорда бўлса-да ДНК мавжуд бўлиши лозим.

Корнберг ДНК-полимераза деб аталган ферментни ажратиб олди. Мазкур фермент *in vitro*, яъни организмдан ташқарида, идиш ичиде одатий асослардан ёки олмашинган асослар-б-бромурацил, б-бромцитозин, б-метилцитозин ва шу сингари бошқа нуклеотидлардан сунъий ДНКларни синтез қиласи. Ҳозирга қадар олинган сунъий дезоксирибополинуклеотидларда табиий ДНКнинг хусусиятлари йўқ эди, бунинг сабаби уларда нуклеотид асосларнинг табиий ДНКга хос зарур кетма-кетлиги — мунтазамлиги ҳам мавжуд эмаслиги бўлса керак; ваҳолонки бу ДНК нинг ўзига хос энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Бироқ кейинги вақтларда матбуотда эълон қилинишича, дезоксирибонуклеин кислоталар (биологик актив бўлмаган) синтези учун 1959 йили Нобель мукофотини олган Артур Корнберг ва унинг ходимлари эндиликда ўз-ўзидан кўпайишга қодир бўлган ДНКнинг «тирик» молекуласини олишга муваффақ бўлишган. ДНК нинг бу шакли кейинчалик ҳужайрага юборилганда уни инфекциялаб, табиий вирусларга ўхшаш наслни вужудга келтиради. Бу тўлқинлатувчи хабар генетик материални инсон ўз қўли билан яратишни ўйлида яна бир дадил қадам қўйғанилигидан далолат беради. Буни маълум маънода ҳаётнинг лабораторияда олинган жуда элементар шакли деб аташ ҳам мумкин.

Корнбергнинг ўзи айтишича, ДНК нинг актив шакли синтез қилиниши билан тайёрланган модданинг кимёвий структурасини ўзгартириш мумкин ва ундан вируслар генларини ирсий белгиларни ўзгартириш учун фойдаланса ҳам бўлади. Ҳозирги вақтда вирус касалликларига қарши курашиб мақсадида генларни сунъий йўл билан ҳосил қилиш имконияти туғилмоқда.

Уотсон ва Крик тузган моделга мувофиқ, ДНК молекулаларининг бундай синтезланиши жараённида аввал ДНКнинг мавжуд икки ипли спирали ёзилади, сўнгра мана шу ҳар иккала занжирнинг рўпарасида ёйилган иккинчи ипга айнан ўхшаш комплементар занжир ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, ҳужайраларда ДНК молекуласининг ўз-ўзидан нусха ҳосил қилиш, ҳужайра бўлинишида уларнинг ўзгармасдан сақланиши ва наслдан наслга ўтишидай роят муҳим жараённинг механизмини аниқлаш мумкин бўлади. Агар ДНК нинг ирсий белгиларни бир организмдан иккинчисига ўтказувчи моддий элитувчилар

эканлиги ҳақидаги күпчилик эътироф қилған қараш на-
зар-эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда ядро хромосо-
маларидағи ирсий белгиларни бир организмдан бошқа-
сига ўтказишнинг молекуляр механизми эндилиқда ин-
сон ихтиёрига ўтди деб ҳисобласак бўлади.

Энди кимёвий код тарзида ёзилган ирсий информа-
цияларни ядронинг ДНК молекуласидан ҳужайра цито-
плаазмасига қандай қилиб ўтказилиши ва унинг оқсиллар
синтези билан қай тартибда боғланишини кўриб чи-
кишимиз лозим. Бир қатор ажойиб экспериментларда
оқсилларнинг ўзига хос синтезини бошқариш йўли
 билан ДНК га ёзилган кимёвий код амалга оширилниш
 механизми кўрсатилди.

ГЕНЕТИК ИНФОРМАЦИЯ ОҚИМИ

Ҳозирги вақтда ДНК молекулаларининг ўз-ўзидан
қай тарзда янгиланиши бизга аён, бинобарин, хромосо-
маларнинг ҳам худди шу каби янгиланишини биламиз,
чунки ДНК молекулалари мазкур морфологик бирикма-
ларнинг асосий қисмини ташкил этиб, ирсий информация-
нинг ҳаммасини ўзида мажассамлаштирган. Бола ҳу-
жайраларга она ҳужайралардаги ДНК нинг нусхасини
 ўтказиш йўли билан ДНК молекуласида кимёвий шифр
 билан ифодаланган ирсий белгиларнинг ҳаммаси ҳам
 ўтказилади.

Ҳозирли вақтда кенг расм бўлган тасаввурга кўра,
 генетик информация ДНК молекуласида нуклеотид асос-
 лар тизмаси кўринишида тасвирланади. Бу табиий бир
 ҳолдир, чунки ДНКнинг полинуклеотид тизмаларининг
 бошидан охирига қадар фосфат кислота ва дезоксирибоз-
 ларнинг молекулалари бир хилда тарқалгандир, барча
 тафовутлар эса азот асосларнинг турлича ўрин олишидан
 келиб чиқади. Тўртта нуклеотид билан белгиланган бу
 шифр узун полинуклеотид тизмасида ундаги айрим азот
 асослар — аденин, гуанин, цитозин ва тиминларнинг кет-
 ма-кетлиги тарзида ёзилган. Бу жараённинг нақадар
 содда ва тежамлилигини кўриб киши ҳайрон қолади.
 Одам ҳужайраси хромосомаларида (улар ҳаммаси бў-
 либ 46 та, бирин-кетин қилиб чизилса, бир метрли тизма
 ҳосил бўлади) ҳар қайси индивидиумга хос барча хусу-
 сиятларга эга бўлган ҳужайра компонентлари, орган ва
 тўқималар ҳосил бўлиши учун зарур барча кўрсатмалар

кодланган. Бу процессда оталикнинг қўшадиган ҳиссаси сперматозоиднинг бош қисмида ифода этилган бўлади. Ҳар бир сперматозоидда чақалоқ танасидаги барча организмларнинг шаклланиши учун етарли информация бўлиши керақ. Агар мана шу информацияларнинг ҳаммаси сўз билан ифодалаб ёзиб чиқиладиган бўлса, у ҳолда бунинг учун минг жилдан иборат улкан энциклопедия зарур бўлур эди. Чунки ДНК молекуласидаги мононуклеотидлар сони ниҳоят даражада кўпdir, уларда жуда юп миқдорда информация ёзиб олинган бўлиши мумкин. Уруғланган жинсий ҳужайраларнинг ривожланишидан бошлаб то индивидуумнинг ўлишигача бўлган ривожланиш жараёнида мазкур информация шифрлари ёйилиб, аста-секин ўқилиб боради. Албатта организм ва унинг ўзига хос хусусиятлари наслдан олинган белгилар билан ташки муҳитнинг сон-саноқсиз омиллари ўртасидаги ўзаро алоқанинг натижаси эканлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бироқ бу ўринда биз индивидуумнинг шаклланишида фақат генетик омиллар ҳиссасининг роли устида фикр юритаётимиз.

ДНК молекуласига ёзиб олинган ирсий информацияларнинг амалга ошишининг бундан кейинги йўли индивиднинг конкрет белгилари қўринишида ифодаланиши лозим. Организмнинг барча белгилари ва ҳатто энгюддий, масалан, бактериал ҳужайранинг қандайдир битта аминокислотани синтезлаши ёки муайян қандни атитиши каби белгилари ва одамнинг физиологик ҳамда руҳий ҳолати сингари мураккаб белгилари ҳам унинг оқсил компонентларининг функцияси сифатида қаралади. Ҳаётий белгиларнинг барча қўринишлари организм ва унинг ҳужайрарининг ўзига хос оқсил мoddаларнинг сифат ва миқдорига, локализациясига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ДНКдан то оқсил биосинтезигача бўлган жараёндаги информация оқимининг кейинги босқичларини аниқлаш зарур.

Кейинги ўн беш йил давомида бу соҳада муҳим кашфиёт қилинди. Нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва оқсил синтезининг бошқариш механизмини ҳамда ирсий белгиларни бир организмдан бошқасига ўтиш сирларининг баён қилиб берилиши биология фанида революция бўлиб, ҳаётий жараёнлар механизмлари ҳақидаги қарашларимизни тубдан ўзgartирди. Бу соҳада эришилган ютуқларни аҳамияти жиҳатдан табиатшунослик тарихи-

даги эволюцион назария таълимотинін яратилиши, организмнинг ҳужайрадан тузилиши, атом тузилиши ва бошқа шу сингари муҳим қашфиётлар билан қиёслаш мумкин. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, 1962 йили айни бир соҳа — ирсиятни бошқариш механизмилари ва унга даҳлдор соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари учун бешта Нобель мукофоти берилди. Қизифи шундаки, бу мукофотларнинг ҳаммаси биргина мамлакат — Англияда бажарилган ишлар учун берилди.

Ҳужайрадаги информация оқими устида ғолиб борилган текширишларнинг асосий натижаси ДНКнинг ўзи оқсил биосинтезида бевосита қатнашмаган ҳолда мазкур жараённи РНК молекулалари орқали бошқаришига оид муҳим қоидани аниқлашдан иборат бўлди. Бунда ДНК ўз структурасига кимёвий ифодаларда ёэйилган информацияларни комплементар рибонуклеин кислоталар синтезини таъминлаш йўли билан РНКга ўтказади. Мазкур босқич транскрипция (кўчириб ёзиб олиш) деб аталади. Шундай қилингандан сўнг РНКнинг комплементар молекулалари тегишли инструкцияга эга бўлади. Оқсилнинг ўзига хос молекуласи мана шу инструкция бўйича биосинтезланади. Бу босқич эса трансляция (таржи-ма қилиш) деб юритилади. Бунда информация нуклеин кислоталар молекуласидаги нуклеотид тизмалари тилидан оқсил молекуласидаги аминокислота тизмалари тилига ўтказилади. Бу жараённи схема билан қўйидагича кўрсатиш мумкин: ДНК редупликацияси → РНК (транскрипция) → оқсил (трансляция).

Бир қатор кузатишлар асосида пайдо бўлган бу машҳур умумлаштирувчи хулоса аввал бошда бунчалик муҳим кўринимаган эди.

РНК ВА ОҚСИЛ СИНТЕЗИ

Усиш ва регенерация туфайли оқсил синтези жадал кечаетган тўқималарда РНКнинг кўп миқдорда бўлиши қирқинчи йилларда маълум бўлди. Кейинги текширишлар асосан цитоплазма таркибида учрайдиган РНК ҳужайрада ўзига хос оқсиллар пайдо бўлишида бевосита иштирок этишини кўрсатди.

Ядродаги ДНКдан информацияни цитоплазмадаги оқсиллар синтезининг асосий жойига ўтказишда ҳужайра

РНК молекуласидан воонта сифатида фойдаланиши аниқланди. Бу жараён она ҳужайра ядроидаги ДНКда РНКнинг юксак полимерли комплементар молекулалари информацион РНК (и — РНК)ни синтезлаш ва уни цитоплазмага ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шундай қилиб, энди ДНКдаги информацияларнинг ҳаммаси РНКга, улар тузилишининг комплементар кўринишда бўлганлиги, яъни ҳар иккала полинуклеотидлар молекулаларида нуклеотидларнинг навбатланиши бир-бирига батамом мос келганлиги сабабли ўтган бўлади. Нуклеин кислоталарнинг бу иккита занжирни — тизмаси бир-биридан фақат қўйидапилар билан фарқланади: ДНК молекулаларидағи тимин билан дезоксирибоза ўрнини энди РНК молекулаларидағи урацил билан рибоза эгаллади. Бироқ РНК иккита ип(спираль) ҳосил қилмайди, балки тармоқланмаган узун полинуклеотид занжирдан иборат бўлади.

Восита функциясини бажарувчи информацион ёки (матрицали) РНК (*i*-РНК)нинг мавжудлиги бир қатор авторларнинг тадқиқотларида кўрсатиб ўтилади. Улар тезда алмашинадиган РНКнинг аввал фаг. (бактерия вируси) билан зааррланган бактерия ҳужайраларида, сўнгра эса зааррланмаган организмларда ҳам аниқлаганларидан кейин шундай хулосага келганлар. *i*-РНКнинг молекуляр вазни жуда юқори (бир неча юз мингдан то 2 млн гача) бўлиб, жуда тез янгиланади. Полинуклеотид занжир қанча узун бўлса, унда информация шунча кўп бўлади. Масалан, молекуляр вазни 300 000 ва 600 000 бўлган *i*-РНК худди шундай 35 000 ва 70 000 молекуляр вазнли оқсиллар биосинтезини таъминлайди. *i*-РНКнинг синтезланиш жойи ва унинг ДНК молекуласига мувофиқ келувчи комплементарлиги Спигельманинг ажойиб текширишларида исботланган. Мазкур олим буни нуклеин кислоталарнинг дурагай молекуласини олиш орқали кўрсатиб берди.

Комплémentарлик — генлар таъсирининг муҳим механизми — шу билан таърифланадики, мавжуд матрица асосида янгидан ҳосил бўладиган молекула унинг структурасига мувофиқ тарзда вужудга келади, гўё уни «тўлдиради». Комплémentарлик — бу молекулаларни билиш усулидир. Агар полинуклеотид занжирлари қисмida АЦГТ навбатлашиб — алмашиниб турса, у ҳолда РНК нинг синтезланаётган молекуласида нуклеотидлар тизма-

си ТГЦА бўлади, чунки худди мана шундай тартибгина ДНК молекулалари қисмида нуклеотидларнинг кўрсатилган навбатланишига мос келади (тўлдиради, комплементар ҳисобланади). Шунга биноан ДНКдаги ЦАТ ЦАТ ЦАГ ЦАГ занжири РНК молекуласидаги ТА ТА ГТЦ ГТЦларни тан олади.


Стигельманнинг молекулаларни дурагайлаш юзасидан ўтказган тажрибалари шу нарсага асосланган эдикি, қизитилганда ДНК молекулаларининг икки ипли спиралидаги қўш асослар ўртасидаги водородли боғланиш узилиб, икки полинуклеотид занжир ажралади ва секин совуgilганда улар мана шундай бир-биридан ажралганича қолади. Энди бир ипли занжирнинг ҳар биридан ҳам РНК молекулалари биосинтези учун фойдаланса бўлар экан. Тегишли шароитда синтезланган полирибонуклеотид (РНК) молекуласи ДНК таркибидаги асослар тизмаларига комплементар равишда терилган ясосларга эга бўлиб, ДНКнинг бир ипли занжири билан қўшилади, шу тариқа икки ипли дурагай структурани вужудга келтиради.

Кейинги вактларда ўтказилган тажрибалар и-РНК синтезида ДНК занжирларидан фақат биттасидангина матрица тарзида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, информацион РНКнинг хромосомидаги ДНК молекуласига комплементар бўлиши асосида рўй берадиган биосинтези генетик информациянинг амалга ошиши йўлидаги биринчи босқич саналади. Бундай синтез маҳсус фермент — РНК-полимераза иштирок этгандагина содир бўлади.

Бироқ оқсил синтези и-РНК молекуласининг бевосита ўзида амалга ошмайди, бу жараёнда рибонуклеин кислоталарнинг яна икки тури қатнашади. Улардан бири ҳужайранинг рибосома зарраларида жойлашган р-РНК рибосома РНК си бўлиб, иккинчиси молекуляр вазнининг паст бўлиши билан таърифланувчи т-транспорт РНК сидир.

Рибосома РНК си оқсил синтезланадиган асосий «фабрика» ҳисобланган рибосома таркибида жойлашган, унинг структура қисмидир. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек рибосомалар рибонуклеопротеид заррачалардан иборат бўлиб, уларда РНК миқдори қатъий равишда турғундир. Ҳар бир рибосома иккита паст бирликдан иборат бўлиб, уларнинг таркибидаги р-РНК лар ҳам икки хил.



21-расм. ДНК участкасинын таъсирида информацион РНКнинг синтезлаш схемаси. 1—ДНКнинг құшалоқ спиралы, 2—ДНК құшалоқ спиралнинг ёзилиши, 3—ДНКдаги алоҳидә спиралларға мононуклеотидларнинг келиб құшилиши, 4—ДНКнинг бир занжирида комплементар РНКнинг ҳосил бўлиши.

Уларнинг икки типи ҳам юқори молекуляр; молекула оғирлиқлари рибосоманинг кичик пастбирлиги (субъединицаси) да $0,5 \cdot 10^6$ ва таркибидаги нуклеотидлар сони 1600—2500 га тенг. Катта пастбирликтаги р-РНКнинг молекула оғирлиги $1 \cdot 10^6$ ва ундаги нуклеотидлар сони 2200—5500 га етади.


р-РНК асослари ва ўртача молекуляр вазни жиҳатдан и-РНК дан тубдан фарқ қиласди, у ДНК молекуласига комплементар ҳам эмас. Шунга қарамай у ҳам ядрода синтезланади ва сўнгра цитоплазмага ўтади, деб қабул қилиш учун етарлича асос бор. Унинг синтезланниши учун яродаги ДНК матрица бўлиб хизмат қиласди, бироқ бунда ДНК молекулаларининг ҳаммаси эмас, балки полинуклеотид занжирининг кичик бир қисмигина қўл келади, чунки р-РНК узунлиги жиҳатидан ДНК узунлигининг атиги 1/10000 улушини ташкил этади.

Бир организмдан олинган ДНК билан р-РНК араштирилган тақдирда, ундан дурагайлар олинди. Бу ҳол р-РНК нинг ДНК матрицасида синтезланишининг ёрқин исботидир. Юқорида айтилганидай рибосома таркибида РНК нинг икки тури — 23S билан 16S бор. Унинг катта пастбирлигидаги тури 23 — 28S га, кичик пастбирлигига жойлашган тури 16 — 18 S га эга. Шу нарса аниқланганки, ДНК молекулаларининг атиги 0,18 процентчаси 23S ли РНК га, 0,14 процентчаси 16S ли РНК га комплементардир. Рибосомаларда нуклеин кислота оқсил билан жуда мустаҳкам бириккан ва баъзи бир таъсир кўрсатилгудек бўлса рибосома алоҳида паст бўлакчаларга бўлинниб кетади, аммо мазкур бўлакларда ҳам рибосоманинг оқсил билан бўлган боғланишига путур етмайди. Рибосома нуклеин кислотасининг оқсил синтезида қатнашуви гарчи кўпгина лабораторияларда текширилаётган бўлса-да, афсуски унинг структурасининг қисмлари ва унинг мазкур жараёндаги роли ҳамон норавшанлигича қолиб келмоқда.

т-РНКнинг молекуляр вазни енгил, у 25000 чамасида бўлиб, бор-йўғи 70 — 80 та мононуклеотиддан иборатdir. У баъзан эрувчан, қуйи молекуляр РНК деб ҳам юритилади. т-РНК ҳам ядрода синтезланаб, ДНК молекуласининг жуда оз қисмигагина комплементардир. Шундай қилиб, цитоплазматик РНКнинг барча турлари ядрода ДНК назорати остида синтезланади ва унинг

структурасига комплементар бўлиб, сўнгра цитоплазмага оқсил синтезланадиган жойга узатилади.

Оқсил биосинтезида т-РНК нинг функцияси шундан иборатки, у активлаштирилган аминокислотага қўшилиб, уни оқсил синтезланадиган рибосоманинг юзасидаги и-РНКнинг муайян жойига ташиб келтиради. Пировард оқибатда ядронинг хромосама генлари орқали бошқари-



22-расм. ДНК оналигида РНК турли типлари-нинг синтезланиши.

ладиган бу жараёнда и-РНК ДНК дан олган информациини р-РНК ва т-РНК билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан узатади. Бу ҳол оқсилларнинг синтезланиш жараёнда аминокислоталарнинг жойланиш тартибини ёки оқсил молекулаларнинг бирламчи структурасини белгилаб беради. т-РНК бир томондан, аминокислоталарга, иккинчи томондан, рибосома юзасининг муайян қисмига яқин туради. У ҳар қайси аминокислотани и-РНКнинг муайян, фақат шу кислотага тегишли жойига йўллаб туриш билан адапторлик функцияни бажаради.

Аминокислоталар рибосома зарралари юзасига мана шу тарзда қатъий муайян тартибда жойланади. Сўнгра ёнма-ён турган аминокислоталар шу ерда бирикади ва ҳосил бўлган тайёр оқсил молекуласи рибосомадан «сил-

киб» тушириб юборилади. Ана шу механизм хромосома ДНК сида ўзига хос оқсил молекулаларининг синтезланиши сифатида ифодаланган информацияни амалга оширади.

ОҚСИЛЛАР — ҲАЁТ АСОСИ

Юқорида қайд қилиб күрсатганимиздек органимизнинг барча белгилари оқсилларнинг таркибиға боғлиқ ва ДНК нинг ирсий белгиларни элитувчи материал сифатида бажарадиган биологик функцияси эса ҳужайра оқсилларининг ўзига хос равишда синтезланишини таъминлашдан иборатир. Оқсиллар ҳам худди нуклеин кислоталар сингари юксак молекулали бирикмаларнинг мураккаб синфиға мансуб бўлиб, ҳужайранинг структура ва функционал тузилишида жуда муҳим роль ўйнайди.


Ҳужайра цитоплазмаси, ядроси ва ҳужайра элементлари таркибидаги моддаларнинг асосий қисмини ташкил этувчи оқсил ёки протеинлар нуклеин кислоталардан анча илгариёқ олимларнинг эътиборини жалб қилган эди. Уларнинг ҳаётий жараёнларда етакчи роль ўйнаши бундан тахминан 100 йил муқаддам аниқланган. Ф. Энгельс ўтган асрнинг 70-йилларида ёк ҳаёт оқсил моддаларнинг яшаш формаси эканлигини таъкидлаган эди. Бироқ XX асрнинг 40-йилларигача оқсилнинг тузилиши, биосинтези ва унинг ҳаётий жараёнда қатнашиш механизми ҳақида маълумотлар жуда оз эди. Шундай бўлса ҳам XIX асрда ёк оқсиллар парчаланиш жараёнидаги аминокислоталар деб аталувчи (молекуласида амино — NH_2 группа шаклидаги азот атоми бўлган) органик бирикма ажратиши қатъий аниқланган эди. Эндиликда эса оқсил молекулалари таркибида турлича миқдор ва тартибдаги 20 хил аминокислота мавжудлиги маълум. Улар ўзаро бирикиши асосида полипептидлар деб аталувчи узун занжир ҳосил қиласиди. Оқсил молекуласида аминокислота қолдиқлари сони бир неча юзлаб, ҳатто минглаб бўлганидан оқсиллар юксак молекулали бирикмалар қаторига қўшилади. Оқсилларда аминокислота қолдиқларининг сони жўп, улардаги радикаллар хилма-хил, таркибида бир қатор функционал группалар мавжуд бўлганидан бу молекулалар ўзига хос хусусиятлари билан характерлидир.

Таркибидамі аминокислота қолдиқларининг қатъий тартибда жойланиши ҳар қандай оқсил молекуласи учун хос хусусият бўлиб, бу тартибланиш оқсилнинг бирламчи структураси дейилади. Ҳар қандай оқсил молекуласи аминокислоталарнинг фақат унинг ўзигагина тааллуқли бўлган навбатланишига эга бўлади. Афтидан, оқсил молекуласининг барча хоссалари, яъни полипептид занжирларнинг шакли, унинг алоҳида бўлакларининг ўзаро жойланиши ва алоҳида занжирларнинг ўзаро боғланиши шу навбатланиш оқибати бўлса керак.


Бу хусусиятлар оқсил молекулаларининг иккиламчи ҳамда учламчи структураси деб аталадиган юксакроқ даражадаги тузилишини белгилайди. Иккиламчи ва учламчи структуралар, шунингдек оқсиллар айрим субъединициалари (пастбирилклари) ни бирга қўшилишини таърифловчи тўртламчи структура ҳам оқсиллар биологик функциясининг намоён бўлишига бевосита тааллуқлидир. Оқсилнинг бу структуралари унинг бирламчи структурасидан фарқ қиласроқ айтарли даражада барқарор эмас, ташқи муҳит шароити ўзгарганда улар ҳам осонгина ўзгариб кетади, бу эса ўз навбатида уларнинг биологик активлигини ҳам ўзгартиради.

Шундай қилиб, оқсил молекулаларининг бундай ўзиға хос ташкил топлишидан иборат кучли динамик конфигурация учун унинг бирламчи структурасидаёқ асос солинган бўлади, молекулаларининг биологик активлигига ҳам ана шундан келиб чиқади.

Бундан 20 йил муқаддам оқсил занжиридаги аминокислоталар тартибини аниқлаш ақлга сифмас иш бўлиб туюлар эди. Шунингдек, оқсил тузилишини аниқлашнинг ўзи табиатнинг инсон ақл-заковати олдига қўйган чигил жумбоқларидан ҳисобланарди. Бироқ бу жумбоқлар кутилганидан кўра барвақтроқ ҳал қилинди. Икки занжир ва жами 51 аминокислотадан тузилган энг содда оқсил — гормон инсулининг тузилиши ўрганилгандан кейин, ундан мураккаброқ тузилишга эга бўлган оқсиллар: 124 аминокислота қолдиғидан таркиб топган рибонуклеаза ферменти ва 157 аминокислота қолдиғидан иборат тамаки мозаикаси вирусининг оқсил молекуласи аниқланди. Ҳозир яна бир қатор оқсилларнинг бирламчи структуралари, шу жумладан гемоглобинники (кислород элтувчи қизил қон таначаларидаги оқсил) тўла ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, мазкур протеид моле-



24-расм. Рибонуклеазнинг тузилиш схемаси. Полипептид занжирлари айрим участкаларининг сульфидрила группасига кирувчи цистеиннинг икки молекуласидан иборат олтингугурт кўприкчалари орқали боғланганлиги рим рақамлари билан кўрсатилган.



Инсулин молекулаларининг тузилиши схемаси

куласининг оқсил қисми (унинг оқсилсиз компоненти таркибида темир тутувчи пигмент гем ҳам бор) ҳар қайсиси таҳминан 150 аминокислота қолдигидан иборат тўртта полипептид занжирдан тузилган. Ҳозирги кунда оқсилларнинг фақат бирламчи структурасигина муваффақият билан ўрганилиб қолмасдан, шунингдек, оқсил молекулаларининг шакллари ҳам аниқланилаётir.

Полипептид занжирда аминокислоталар таркибини ва уларнинг навбатланишини ўрганиш соҳасида рўй берган жиддий силжишлар ҳар қандай мураккаб аралашмаларда алоҳида компонентларни масалан, оқсилларнинг гидролизатларида индивидуал аминокислоталарни аниқлаш имконини берадиган хромотографик анализ, шунингдек, молекуланинг шаклини аниқлаш имконини берадиган рентгеноструктура анализи усуллари ишлаб чиқилишининг самарасидир. Эндиликда, аминокислоталарнинг полипептид занжирда навбатланишини аниқлаш, малакали химикларнинг оғир ишини автомат тарзда бажарадиган маҳсус аминокислоталар анализатори деб аталган ажойиб аппаратларда амалга оширилмоқда.

Юқорида айтилганларга суюниб, оқсил молекулаларини ҳарфлари 20 хил аминокислотадан иборат маҳсус тилда ёзилган узун иборага қиёслаш мумкин. Иборанинг мазмуни ҳарфлар орқали ифода этилганидек, оқсил молекулаларининг тамоми хусусиятлари ҳам уни ташкил этган аминокислоталарнинг таркиби ва навбатланишида мужассамлашган бўлади. Бинобарин, аминокислоталарни оқсил молекулаларини характерлаб берадиган информацияларни ёзишда фойдаланиладиган шартни белти (код белгилари) деб фараз қилиш мумкин.

20 хил турли аминокислота қолдиқларининг хилмалихил тақрорланиши ва навбатланишидан ҳамма жонли организмларнинг ҳужайра ва тўқималарини ташкил этувчи қўп сонли ҳар хил оқсил ҳосил бўлади. Чиндан ҳам ҳар бир тур ўзига хос; ҳар бир ҳужайра фақат ўзигагина мансуб бўлган, бошқаларнидан кескин фарқ қиласидиган оқсилларга эга. Оқсилларнинг ўзига хос хусусиятлари генетик (наслий) белгиларга боғлиқ. Айни чоқда ирсий белгилар оқсилларнинг ана шу хусусиятларига ва ҳужайра оқсилининг сони, сифатига боғлиқ. Бинобарин,

оқсил қандай бўлса ҳужайра ва организмнинг табиати ҳам худди шундай бўлади.

Оқсиллар доимий равишда модда алмашиниб турадиган протоплазма ва ҳужайра таркибини тиклаш учун мўрт қурилиш материали эмас. Улар ҳужайра таркибида бўлиб турадиган ҳамма ўзгариш ва физиологик йўналишларда актив иштирок этади, ўзи доимий равишда емирилиб яна қайта синтезланади. Бунда ҳар бир ҳужайра узлуксиз ва қайта-қайта фақат ўзига хос оқсил ҳосил қиласи. Ҳужайрада фақат ўзигагина хос оқсилни синтезлаш сал издан чиқса, у ҳолда бу, ҳаётий жараёнларнинг аномал кечишига, бузилишига ва, ҳатто оғир касалликларгача олиб келади. Фақат гемоглобин молекуласи оқсил қисмининг издан чиқиши туфайли содир бўладиган касаллик — ҳужайранинг ёйсимон анемияси (камқонлиги) бунга яққол мисол бўла олади. Полингнинг аниқлашиба, гемоглобиннинг 146 аминокислота қолдигидан иборат полипептид занжирлардан биридаги атиги бир аминокислота — глутамат кислотанинг бошқа аминокислота валин билан алмашинишининг ўзи шу касалликни келтириб чиқарган:

Гемоглобин А (нормал) Вал. Гис. Лейц. Треон. Про. Глу. Глу. Лиз.

Гемоглобин S (патологик) Вал. Гис. Лейц. Треон. Про. Вал. Глу. Лиз.

(Вал — валин, Гис — гистидин, Лейц — лейцин, Треонин, Про — пролин, Глу — глутамин, Лиз — лизин).

Мазкур аномал ҳолат «молекуляр касаллик»ка ёрқин мисол бўла олади. Бу касаллик оқсил занжирлари бирламчи структурасининг бузилиши оқибатида содир бўлиб, қизил қон таначаларининг шакли ўзгариши ҳамда уларнинг тез парчаланиши (гемолиз) га сабаб бўлган.

Ҳаётнинг таъсирланиш, қисқариш, ҳарақат, ўсиш, ривожланиш каби характерли кўринишлари оқсилнинг ва унинг бошқа молекулалар билан ҳосил қилган комплексларининг ҳолати ва хусусиятида турли ички-ташқи таъсир натижасида содир бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Бироқ оқсилларнинг энг муҳим хусусияти, уларнинг каталитик активлиги бўлиб, бу организмда содир бўладиган кўпдан-кўп кимёвий реакцияларнинг юмшоқ шароитда, ҳаётга зарар етказмаган ҳолда кечишини таъминлайди.

ФЕРМЕНТЛАР — БИОЛОГИК ЖАРАӘНЛАРНИ ЧИНАКАМ ТЕЗЛАТУВЧИЛАРДИР

Хұжайрадаги кимёвий ўзгаришларнинг ҳаммаси, организмда модда алмашинишининг барча звенолари кимёвий реакцияларни жадаллатуучи маҳсус ферментларга муҳтождир. Агар ҳұжайра гүё бир катта завод, унинг компонентлари эса маҳсус функцияни бажарадиган цехлардан иборат бўлса, у ҳолда ферментлар барча ўзгаришлар амалга ошириладиган машиналар ҳисобланади. Реакцияларни катализаторлар деб аталувчи маҳсус модда билан жадаллатиш усули кимё лабораторияларида, саноатда ҳам қўлланилади. Бироқ ферментлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган катализаторлардан ўзларининг ўта активликлари ва ўзига хос равишда юксак дараҗада танлаб таъсир этиш хусусияти билан фарқ қиласиди. Гап шундаки, маълум кимёвий бирикманинг ўзгариши учун унинг ўзигагина хос бўлган маҳсус фермент бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, фермент ҳам кимёвий моддага худди қулфга калит мос тушганидек тўғри келиши лозим. Муҳитда зарур фермент етиш маса ёки тамомила бўлмаса, у ҳолда кутилган кимёвий ўзгариш жуда секинлик билан кечади, ёки бутунлай содир бўлмай қолади.

Бундан 50 йил муқаддам — гарчи бу вақтда қўпгина ферментлар, ферментатив катализга уларнинг специфилиги яхши маълум бўлса ҳам — ферментларнинг кимёвий табиати ҳали фан учун қоронғи эди. Бироқ кейинги йилларда ферментлар қўпгина олимларнинг эътиборини жалб этди ва кўп ўтмай ҳамма ферментлар оқсил табиатига эга, деган фикр қатъий исбот қилинди. Ферментларнинг оқсил табиатига эга эканлигини 1929 — 1930 йилларда биринчи марта кристалл ҳолдаги ферментларни олишга муваффақ бўлган Самнер ва Нортроплар жуда равшан қўрсатиб бердилар. Хуллас, ферментлар маҳсус тузилишга эга бўлган оқсил моддалар бўлиб, каталиктактивлик уларнинг энг муҳим ҳамда ажойиб хоссасидир.

Агар организмда содир бўладиган ўзгаришлар умуми ферментлар иштирокисиз кечмаслиги ҳисобга олинса, у ҳолда ферментларнинг биологик жараёнларни ҳаракатлантиришдаги құдратли роли тўла ойдинлашади. Ферментлар ҳұжайрадаги бошқа оқсиллар сингари

доимо рибосомаларда аввалдан мавжуд РНҚда бўлган код бўйича синтезланади. Бинобарин, у ёки бу ферментнинг маълум вақт ва жойда ҳосил бўлиши аввалдан генетик равишда белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам коднинг ўзида ёки унинг сонида рўй берадиган ҳар қандай бузилиш ферментнинг йўқолишига олиб келади. Ферментнинг йўқлиги ўз навбатида модда алмашинининг маълум звеносида бўладиган ўзгаришларни издан чиқаради. Чунки бунда мазкур фермент иштирокида кечадиган реакция тўхтаб қолади. Бундай ирсий патология ҳодисалари асримизнинг бошларидаёқ маълум эди. Бунга аминокислота тирозин метаболизми, яъни унинг ҳужайрада алмашинуви издан чиқиши натижасида сийдикда қора пигмент — алькантон ҳосил бўлишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Гарчи бу, тирозин алмашинишида қатнашувчи ферментлардан бирининг етишмаслиги оқибати эканлиги ўша вақтдаёқ аниқланган бўлса-да, бироқ ферментнинг етишмай қолиш сабаби чуқур тадқиқ қилинган эмас эди. Дарвоқе, бундай қилиши учун у вақтда генетик ва биокимёвий маълумотлар ҳам етарли эмас эди.

Афтидан, ҳужайрада мингдан ортиқ хилма-хил фермент бўлса керак ва шулар моддаларнинг оксидланиши, ачиши, полимерланиши, гидролизланиши, изомерланиши, парчаланиши ва синтезланиши каби биокимёвий жараёнларнинг нормал кечишини таъминлайди.

Эллигинчи йилларда оқсил ва нуклеин кислоталарининг биосинтези билан боғлиқ бўлган реакция занжирининг маълум ҳалқасида рўй берадиган ўзгаришларни жадаллатувчи ферментлардан яна кўпи топилди. Аниқланишича, мононуклеотидлардан ДНК ва РНҚнинг ҳосил бўлиши ҳужайранинг полинуклеотид молекулалари шаклидаги нусхаси (матрица)нинг иштирок этиши кифоя қилмайди, бунинг учун яна полимерловчи тезлатувчи сифатида яна махсус ферментлар ҳам талаб қилинади. Оқсилларнинг синтезланиши учун аминокислоталарни энергияга бой аденоzinтрифосфат кислота (АТФ) молекуласи билан ўзаро таъсирини таъминлаб, аминокислоталарни активлаштирадиган махсус фермент ва активлашган аминокислоталар қолдиғи билан РНҚ элтувчиларни бօғловчи яна бошқа группа ферментлар ҳам зарурлиги маълум бўлди. Бинобарин, ДНҚда оқсил молекулаларининг ўзига хос синтези шаклида ифодалан-

ган ирсий белгиларнинг реализация қилиниши учун яна бир қатор ферментларнинг иштироки талаб қилинади.

Сўнгги йилларда ферментларнинг тузилиши уларнинг таъсир этадиган моддаси (субстрати) билан ўзаро муносабат механизмлари ва катализаторлик хусусиятларига оид жуда кўп қизиқ тафсилотлар очилди. Чунончи, фермент молекуласида унинг *актив марказни* ташкил этувчи маҳсус атомлар тўдаси мавжудлиги аниқланди, ҳужайрада кечадиган ферментатив реакцияларни бошқариб туриш соҳасида бир қатор жуда самарали фикрлар ўртага ташланди. Ҳозир ферментларнинг катализаторлик хусусиятлари принципидан ишлаб чиқаришда техника соҳасида фойдаланиш масаласи ўрганилмоқда. Негаки, реакцияни тезлатишнинг бу шакли ҳамда бошқа мавжуд ферментли реакциялар (масалан, фотосинтез жараёнида мураккаб углеродли ва азотли органик биримларнинг содда компонентлардан синтезланиши, баъзи микроорганизмларнинг атмосфера азотини боғлаши) тирик табиатда жуда самарали ўтади, техника соҳасида қўлланилаётган кимёвий процессларнинг фойдалниш коэффициенти эса табиатдагидан анча паст.

ГЕНЕТИК КОД

Ирсий информацияни рўёбга чиқаришда қатнашувчи оқсил, нуклеин кислота ва ферментлар каби асосий компонентлар билан танишиб чиққандан кейин генетик код (ифода) муаммосини кўриб чиқишимиз мумкин. Нуклеин кислотадаги асосларнинг навбатланиши қандай қилиб оқсилдаги аминокислоталар тартибини белгилаб берар экан? — масаланинг туб моҳияти мана шундан иборат. Юқорида эслатиб ўтилганидек, нуклеин кислоталар молекулалари тўртта азотли асосларнинг полинуклеотид занжирида турлича тартибда жойланиши билан бир-биридан ажralиб туради. Ҳозирги тушунчаларга кўра, ирсий информация ДНК молекулаларида нуклеотидларнинг ҳудди мана шу жойланишида ўз ифодасини топади. Бинобарин, ДНК маҳсус оқсилнинг синтезланишини бошқариш йўли билан ҳужайранинг алоҳида функцияларини қандай назорат қилиб туришини аниқлаш учун бир қатор саволларга жавоб топиш керак. Чунончи, 20 хил аминокислотанинг ҳар бири учун ифода белгиси (код) ролини ўйновчи асосларнинг тартиби қандай, ифо-

даловчи бирликларнинг узунлиги ва уларнинг ДНК молекуласида жойланиши қанақа, шунингдек, полинуклеотид молекулаларига «ёзилган» ахборотлар қандай ўқилади?

Мазкур масалалар қанчалик мураккаб бўлмасин, молекуляр биология соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг методик ва назарий даражаси юқори бўлганини туфайли самарали ҳал қилинмоқда.

Агар ҳар бир аминокислота нуклеотидларнинг маълум кетма-кетлиги билан ифодаланган бўлса эди, у ҳолда ҳодни икки асосдан ҳосил бўлган, деб фараз қилиш мумкин бўлар эди. Бироқ бу тамомила хотүғридир. Негаки, бундай ҳолда биз $4 \times 4 = 16$, яъни тўрт хил азот асоси иккита-иккитадан бўлиб код сифатида қатнашганда фақат 16 хил комбинация ҳосил бўлиши мумкин. Важолонки, бу 20 хил аминокислотани ифода этиш учун кифоя қилмайди. Афтидан, ҳар бир аминокислотанинг ифода белгиси учта асоснинг бирга қўшилишидан ташкил топган, яъни уч ўрмали (триплет) бўлиши керак. У ҳолда $4 \times 4 \times 4 = 64$ имкониятига эга бўлинади. Нуклеотидларнинг хилма-хил сунъий полимерлари иштироқида оқсилларга аминокислоталар қўшиш йўли билан ўтказилган жуда кўп тажрибалардан олинган натижалар генетик ифодалар уч ўрмали характерга эгалиги ҳақидаги фаразларга зид эмас. Битта аминокислотани ифода этувчи асослар группаси кодон деб ном олган.

Ниренберг ва Маттеилар 1961 йилда биринчи бўлиб фақат *уридиндан* тузилган полинуклеотидлар қўшилган ҳужайрасиз системада фақатгина бир хил аминокислота *фенилаланин* қолдиқларидан иборат полипептиднинг синтезланишини қайд қилдилар. Бу ажойиб кашфиёт, маҳсус оқсилнинг синтезланиши учун зарур ахборотни олиб ўтишда РНКнинг иштирок этишини қатъий исбот қилиб берувчи ва ҳар бир аминокислотанинг ўзигагина тааллуқли бўлган ифода белгиларининг ҳарф составини билиб олишга асос солди. Қейинчалик асосан Ниренберг, Грунберг Монағоларнинг группалари турлича бириккан урацил, цитозин, гуанин ва адениндан иборат хилма-хил полинуклеотидлардан фойдаланиб ўтказган тажрибалари оқибатида оқсилдаги 20 хил табиий аминокислотанинг ҳаммаси учун кодларнинг сўз луғатини тузиб чиқдилар. Бу сўзлар РНК занжирида уч хил асосдан иборат уч ўрма шаклида тиэзма тартибда жойлашган. Бунда битта

аминокислотанинг ўзи бир неча уч ўрма асос билан ифодаланиши мумкинлиги ҳам маълум бўлди. Бу, тушунарли, албатта, чунки тўртта асоснинг уч ўрма шаклида қўшилиб келишида 64 имконият яратилади. Ваҳолонки, ифода этилиши жерак бўлган аминокислоталар асосан 20 хилча, холос. Бундай ифода, яъни битта аминокислотанинг бир неча «сўз» билан ифода этилиши аслидан чекиниш деб номланган. Ниренбергнинг тадқиқотлари генетик кодлар чиндан ҳам аслидан чекинганлигини исбот этади. Чунончи, у оқсилга лейцин қўшилишини РНҚнинг фақат у ёки У, Г ва Ц ёхуд У билан А полимерлари томонидан амалга оширилишини аниқлади. Бирор аминокислотанинг пептид занжирига синтезланган полинуклеотидлар таъсирида кирганлигини аниқлашга асосланган кодловчи уч ўрмаларни тушунтириш учун мўлжалланган Ниренбург усули ана шу кодловчи уч ўрма асос таркибига азотли асослардан қайси бири кирганлигини аниқлаш имконини беради, холос. Аммо у мазкур асосларнинг уч ўрмадаги тартибини аниқлаш имконини бермайди. Бир хил таркибли уч ўрмалар иккита аминокислотани, масалан, айтайлик аланин билан аргининни ифодалаган тақдирда бундай ўрмаларнинг таркибида нуклеотидлар бир хилда навбатлашади деб тахмин килинади. Ифодаларнинг бундай чекинганлиги маълум полинуклеотидларгагина сезгир бўлган маҳсус элтувчи РНҚларнинг аниқланишида ҳам исбот қилинди. Шундай қилиб, битта аминокислота полинуклеотидларнинг тегишли жойига бир неча алоҳида элтувчи РНҚлар ёрдамида олиб ўтилиши мумкин.

Модомики, чекиниш туфайли баъзи аминокислоталар асосларнинг турли тартибда келиши билан ифода қилинада экан, у ҳолда ҳеч қандай аминокислотани ифодаламайдиган бошқа тартиб ҳам бўлиши мумкин эмасми? Бундай тартиб гарчи у полинуклеотидларнинг умумий занжирида маълум маънога эга бўлса ҳам «маъносиз» уч ўрма деб аталди. Маъносиз уч ўрманинг роли ахборотларни «ўқиши»ни қаердан бошлаш лозимлигини кўрсатиб беришдан иборат бўлиши мумкин.

Ўқилиш механизмини, яъни РНҚдаги нуклеотидлар тизмасини оқсилдаги аминокислоталар тартибига олиб ўтишни тадқиқ қилиш Крикни ҳар сафар ифодаларнинг учтадан ҳарф (асос) группа тарзида ўқилади ва бу маълум нуқтадан бошланади деган хulosага келтирди.

Ахборотниң тұғри ўқилемі (олиб ўтилиши) полинуклеотид молекуласындағы бошланғыч нүктаны тұғри танлашта боғлиқ.

Аминокислоталарнинг уч үрмали ифодаланиши

Аминокислоталар	РНКдагы ифодаларнинг код єзилышы
Аланин	Ц, Г ва А ёки Ц
Аргинин	Г, Ц ва У, А ёки Ц
Аспарагин	Г, А, У ёки Ц
Аспартат кислота	Ц, А ва А ёки У; УАА
Цистеин	Г, У ва Г ёки У
Глутамат кислота	А, Г ва А ёки Ц; ААЦ
Глутамин	номаълум
Глицин	Г, Г ва А, У ёки Ц
Гистидин	А, Ц ва У ёки Ц
Изолейцин	У, А ва У ёки А
Лейцин	У, У, А У ёки Г
Лизин	А, А, А У, Ц ёки Г
Метионин	У, Г, А
Фенилаланин	УУУ
Пролин	Ц Ц ва А, УЦ ёки Г
Серин	УЦГ ёки У; АЦГ
Треонин	ЦАЦ ёки А; ЦГЦ
Триптофан	УГГ
Тирозин	УАУ
Валин	УГУ

Айтилгандардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бўлиниш натижасида она хужайрадан янгисига ўтган ядро хромосомаларидаги ДНК асосларининг тизма тартиби келажакда ядрода синтезланадиган и-РНКга олиб ўтилади. Сўнгра ДНКга мос (компллементар) информацион РНКнинг асослари тартиби цитоплазмага ўтади ва у ерда и-РНК ҳамда т-РНКлар иштирокида рибосомаларда оқсиллар ўзига хос тарзда синтезланади. Бинобарин, и-РНКдаги асосларнинг кетма-кет жойланиши янги ҳосил бўлган оқсил молекуласида аминокислота қолдиқларининг бирин-кетин маълум тартибда бирикишини олдиндан белгилаб беради. Мазкур жараённинг кечишида рибосомалар и-РНК билан бошланадилар ва унинг тизма структураси бўйлаб силжиб унда мужассамланган ахборотни олиб ўтади. Шу билан синтезланаётган полипептид молекуласига аминокислоталарнинг қатъий кетма-кет тартибда киритилиши таъминланади.

Геннинг оқсилнинг ўзига хос тарзда синтезланишига кўрсатадиган таъсирини тушуниш учун ҳужайрада оқсилларнинг биосинтезланиш механизми устида батаф-силоқ тўхталиб ўтмоқ лозим. Бу механизм бир неча босқичлардан иборат бўлиб, улар цитоплазмада аминокислоталарнинг АТФ ёрдамида активлашувидан бошланниб, оқсилнинг тайёр молекулаларининг рибосома устидан силкиниб тушиб, полипептид занжирнинг ўзи учун хос конфигурацияга кириши билан тугалланади.

РИБОСОМАЛАРДА ОҚСИЛЛАР БИОСИНТЕЗИ


Аминокислоталар активлашувининг биринчи босқичи иккита аминокислотанинг ўзларининг амино ($-\text{NH}_2$) ва карбоксил ($-\text{COOH}$) группалари билан ўзаро бири-кишлари учун зарур шарт ҳисобланади. Мазкур бири-киш пайтида пепитид боғланиш $\begin{array}{c} | \\ \text{H} \\ || \\ \text{N} - \text{C} - \text{O} \end{array}$ ҳосил бўл

ди. Аминокислоталарнинг ҳаммасини бир полипептид занжири ҳосил қилиш билан бирлаштирувчи бундай боғланиш аминокислоталар бор муҳитда ўз-ўзича юзага келмаслиги анча вақтлардан бери маълум эди. Бунинг учун бир-бирига таъсири кўрсатувчи молекулаларнинг энергиясини ошириш зарур эди. Бундай ҳол организмда энергиянинг универсал манбаи АТФ қатнашганда гина рўй беради. Аденозинтрифосфат билан аминокислоталарнинг ўзаро таъсири натижасида фосфорланган аминокислота ҳосил бўлади. Мазкур кислота иккинчи шундай молекула билан пепитид боғланишни осонгина вужудга келтиради. Навбатдаги босқичда активлаштирилган аминокислота т-РНК молекуласига келиб қўшилади. Ҳар қайси аминокислота учун алоҳида элитувчи РНК мавжуд эканлиги бизга маълум, бинобарин, реакция қатъий тарзда ўзига хос бўлиб, ҳар бир элитувчи — РНК ўз аминокислотасини «танийди» ва у билан бирикиб, рибосома томон йўналади. Ташувчи — т-РНК битта полинуклеотид занжирдан иборат бўлиб, тахминан қоқ ўртасидан эгилиб букилади-да, ҳар иккала қисми бир-бирининг атрофида спиралсимон буралади. Аминокислота келиб қўшиладиган т-РНК занжирнинг биринчи ярми учida уларнинг ўзига хослигидан қатъий назар барча транспорт РНКларда ЦЦА (цитозин — цитозин — аденин) нуклеотидлари тизмаси жойлашган бўлади. Полинукле-

Отид занжирнинг эгилган жойида эса «адаптор нуклеотид уч ўрма» деб аталган учта тоқ нуклеотид бўлади. Бу тоқ нуклеотидлар и-РНК билан қўшилиш учун ўзига хос ахборот келтиради.

Кейинчалик т-РНКнинг аминокислота комплекси (аминоацил т-РНК) рибосомалар билан мустаҳкам бирекади. Ўсувчи полипептид рибосоманинг катта компонентига (50 — 60 S ли субъединицасига) уланади.


Информацион РНК



25- расм. Ташуви РНКнинг аминокислота билан бўладиган ўзаро таъсири.


Баъзи оқсилларнинг синтезланишини ўрганиш натижасида шу нарса аниқландик, полипептид занжирлари занжирнинг аминли учидан карбоксили учига томон мунтазам равишда ўсиб бориш йўли билан синтезланади. Синтез шундай тезликда кечадики, унда бир минутда тахминан битта молекула ҳосил бўлади. Аминокислоталар ўсиб борувчи полипептид занжирнинг тегишли қисмига «жойлашиб» олгандан кейин ҳар қайси т-РНК ўз ўрнини навбатдаги молекулага бўшатиб бериб, ўзи орқароқча чекинади.

Мазкур жараёнда рибосомаларнинг ўзининг қандай роли борлиги ҳозирча маълум эмас. Улар аминокислота-



26-расм. Аминокислоталарнинг ўсиб борувчи полипептид занжиринга тизилиши.

ларнинг и-РНК «ленталари»нинг силкинишига қараб ўсиб борувчи оқсил занжирига тизилиши учун ўзига хос қисиб қўядиган асбоб тарзида хизмат қиласди, деб тахмин қилинади. Эҳтимол, рибосомалар ахборотлар ёзилган мана шундай перфолента бўйлаб ҳаракат қиласар, бунда улар лентанинг бир учидан бошқа учига қараб



27-расм. Рибосоманинг оқсил синтезланишида қатнашиш механизми ни кўрсатувчи схема.

силжир, шунда лентанинг бўш қолган учида уз навбатида япги рибосомалар тизилар.

Кейинги вақтларда шу нарса аниқландиди, айрим оқсилларнинг синтезланиши учун жўплаб рибосома қатнашиши зарур. Улар и-РНК нинг бир ипига гўё тизилиб олиб, кооператив ҳолда ишловчи система — полисомани и вужудга келтиради. Шундай қилиб, биргаликда ва и-РНК ипига тизилиб олиб ҳаракат қилувчи рибосомалар сони информацион рибонуклеинкислоталар молекулаларининг узунлигига, бинобарин, синтезланадиган оқсил полипептид занжирнинг узунлигига баглиқ экан деган тасаввур ҳосил бўлади. Юқоридаги расмларда оқ-

силлар синтези жараёнида нуклеин кислоталар билан рибосомаларнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи схема желтирилган.

ОҚСИЛЛАР БИОСИНТЕЗИННИГ РЕГУЛЯЦИЯСИ (ИДОРА ҚИЛИНИШИ)

Хужайраларнинг генетик аппарати кўп сонли хилманил оқсилнинг узлусиз ва ҳеч бир катосиз синтезланишини таъминлаб туради, метаболик жараёнлар, организмнинг ўсиш ва ривожланиши, хужайра структураларининг такрор ҳосил бўлиши, тўқималар ҳамда органларнинг дифференцияланиши (табақаланиши)нинг нормал кечиши мана шунга боғлиқдир. Бироқ мазкур жараённинг ишлашининг активлаштирилиши ҳамда секинлатилиши ДНК нинг бошқа қисмлари ёки ташқи муҳитнинг цитоплазма орқали таъсир кўрсатувчи омиллари ёрдамида усталик билан, жуда нозик равишда тартибга солиб турилади.

Генлар таъсирини идора қилиб туриш генетик информацииларни ўқишининг айрим босқичларини таҳлил қилиб бериш сингари муҳим муаммо сифатида Жакоб ва Мономонларидан бактерияларда адаптив (маълум таъсир, масалан, субстрат таъсирида янгидан синтезланадиган) ферментларнинг ҳосил бўлиши мисолида пухта текширилган ва умумлаштирилган. Бунда улар мазкур масалага оқсиллар синтезланишини тартибга солишнинг изчил схемаларини яратиш нуқтаи назаридан ёндошдилар.

Уларнинг мазкур схемасининг моҳиятини тушуниб олиш учун адаптив ферментлар ҳосил қилиш юзасидан ўтказилган экспериментлардан келиб чиқадиган умумий қоидаларнинг айримлари билан танишиб чиқиш лозим.


Шу нарса маълум бўлдики, айрим микроорганизмлар ўстирилаётган муҳитга махсус (одатдан ташқари озиқ моддалар) субстратлар қўшилганда бактериал ҳужайрада ферментлар состави ўзгарап экан. Масалан, ачитқи ҳужайралари ўстирилаётган муҳитга глюкоза ўрнига бошқа қанд-галактоза қўшилганда, улар уни ачита бошлиди. Бу ҳол бактерия организмида янги фермент системалар (бинобарин, оқсилларнинг янги турлари)нинг ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Бундай фермент унинг таркибида бунга қадар сезиларли миқдорда йўқ эди.

Бундай ҳодиса индуцирлашган синтез ёки ферментларнинг адаптив тарзда ҳосил бўлиши деб аталади ва ҳужайра ҳолатининг чиндан ҳам ўзгарганилигидан далолат беради. Баъзан субстрат янги фермент системанинг синтезланишига сабаб бўлмайди, аксинча унинг биосинтезланишига монелик кўрсатади. Масалан, ичак таёқчалиси микроби ўстирилаётган муҳитда аминокислота триптофан керагидан кўра ортиқроқ бўлганда бактериал ҳужайралар *триптофансинтетаза* — мазкур аминокислотани синтезловчи ферментнинг биосинтезини тўхтатиб қўяди. Қейинчалик юксак организмларнинг ҳужайраларида ҳам шундай ҳол кузатилиши аниқланди. Репрессия деб ном олган бу ҳодисанинг механизми шундан иборатки, муҳитда субстратнинг керагидан кўра зиёд бўлиши фермент фаолиятининг оҳирги маҳсулотига нисбатан сигнал сифатида таъсир этади. Бу сигнал фермент системаси занжирига салбий таъсир кўрсатиб, ферментнинг синтезланишини тўхтатади.

Жакоб ва Монолар баъзи ҳолларда ичак таёқчалиси ҳужайрасининг айрим мутантлари лактаза ферменти синтезланишини унинг субстрати бўлган лактоза таъсири остида идора қила олмай қолишини аниқладилар. Бундай штаммлар лактазани лактоза бўлганда ҳам, шунингдек улар бўлмагандан ҳам синтезлайвериши маълум бўлди. Бинобарин, мутация структура гени назорат қилиб турган оқсилининг синтезланиш жараёнини эмас, балки фақат уни тартибга солиб турилишига таъсир кўрсатар экан холос. Демак, ферментнинг синтезланиш тезлиги ва унинг структурасини турли генлар назорат қилиб туради. Бир қатор генетик тажрибалар структура гени ва регулятор (*регулировчи ген*) хромосомаларнинг турли қисмларида бўлишини кўрсатди.

Регулятор ген маҳсус маҳсулот — репрессорни ажратиб чиқариш йўли билан ўз таъсирини амалга оширади. Репрессорнинг ўзи ҳам ген маҳсулоти бўлиб, афтидан, макромолекула табиатли бўлса керак. Шундай қилиб, регулятор генлар ДНКдан оқсилига келадиган информция оқими тезлигини назорат қилиб туради.

Шуни қайд қилиб кўрсатиш керакки, тартибга солувчи битта геннинг ўзи функционал боғланган ферментларнинг бутун бир қаторининг синтезланишига таъсир этиши мумкин. Масалан, триптофансинтетазанинг синтезланишини тартибга солиб турувчи геннинг ўзи айни



28-расм. Жакоб ва Мондо усулига мувофиқ оқсиллининг биосинтезланишини бошқабириг турини схемаси.

вақтда триптофан синтезининг дастлабки босқичларида зарур бўлган бир қатор бошқа ферментларнинг синтезлашиш тезлигини ҳам бошқаради. Бунинг сабаби ёнма-ён турган бир неча структура генлари оペрон номи билан белгиланадиган ифода бирлигини ҳосил қилиб бирга қўшилиб кетиши мумкинлигидадир. Масалан, битта опероннинг ёлғиз ўзи бирорта аминокислотанинг бошланғич маҳсулотдан то унинг охирги продуктлари ҳосил бўлганича ўтадирган ва ўзига хос ферментлар қатнашишини тақозо қиласидиган бир қатор синтезларни таъминлайди. Айнан бир опероннинг ўзига тегишли генлар функциясига репрессорнинг хабарловчи (тормоз қилувчи) таъсири маҳсус генетик участка — оператор билан бошқарилади.

Шундай қилиб, ферментнинг синтезланишини тартибга солиб турувчи механизм операторнинг репрессияси (жабрланиши) орқали таъсир этади. Регулятор ген на зоратида ҳосил бўладиган репрессор тегишли метаболит билан ўзига хос равишда бирикади. Мазкур бирикма ё репрессорга жабирлавчи таъсир кўрсатади, бунинг жатижасида опероннинг иши қўзғотилади ёки бўлмаса уни активлаштиради, бунда эса операторнинг таъсири сусайди. Ген активлигига метаболит таъсири, масалан, фермент реакциясининг маҳсулоти томонидан айни шу фермент синтезланишининг сусайиб кетиши мана шу тарзда кечади. Афтидан, генетик аппаратнинг ишлаши учун сигнал ролини ўйновчи кимёвий регуляторлар, гормонларнинг таъсири ҳам худди шу тарзда содир бўлса керак.

ГЕН ТАЪСИРИ ВА МУТАЦИЯЛАР

Генетик материалнинг тузилишини ва ахборотларни кимёвий йўл билан узатиш механизmlарини юқорида кўриб чиқдик. Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, биологлар нуқтаи назаридан қарапланда, бу жараён хромосомалардаги ирсий белгиларнинг қатъий аниқ вақтда кўрсатилган жойда, зарур миқдорда маҳсус оқсиллар пайдо бўлиши тарзида реализация қилинишидан иборатdir.

Мазкур жараён хромосомаларнинг асосий массасини ташкил этувчи ДНК молекулалари томонидан комплементар и-РНКнинг синтезланиши ва уни оқсил синтез-

ланадиган манба — цитоплазмага олиб ўтилиши йўли билан таъминланади. Бироқ и-РНҚ молекулалари ҳам бир неча минг мононуклеотидлардан тузилган жуда узун полинуклеотид занжиридан иборат. Шу билан бирга, оқсил молекуласидаги ҳар бир аминокислотанинг ҳолати ҳаммаси бўлиб уч асоснинг мавжудлиги билан белгиланади. Шундан тўла ишонч билан хулоса қилиш мумкини, ДНҚ ҳар молекуласида бир неча ўнта индивидуал оқсилининг синтезланиши учун зарур ахборот мужассамланган. Илгари таъкидлаб ўтилганидек, генлар ДНҚ молекуласининг бир бўлаги бўлиб, алоҳида оқсилиларининг синтезланишини шулатнинг ўзи таъминлайди.

Агар типик оқсилининг молекуласини 200 аминокислота бирлигидан иборат деб қабул қиласак, у ҳолда генлар оқсил занжирида ҳамма аминокислоталарният навбатланишини таъминлаш учун кам деганда 200 ифода (код) сўз белгиларига эга бўлиши керак. Бу эса ифода белгиларининг уч ўрма характеристига кўра генларда 600 асос бўлишини тақозо этади. Яқин вақтларгача ҳам ҳар қандай генлардаги асосларнинг қай тартибда жойланиши ўрганилмаган эди. Фақат сўнгги вақтдагина бу жуда муҳим вазифани ҳал этиш усуслари, т-РНҚ каби унча мураккаб бўлмаган РНҚ учун, ишлаб чиқилди. Ҳозир бактерияларда 1000 гача ва одам ҳужайрасида эса 1000 000 тача ген мавжудлиги аниқланди. Бу генлар инсонда кам деганда 46 хромосома таркибидағи 46 ДНҚ молекуласида жойлашгандир.

Энди, генетик ифодаларнинг ўқилиш механизмини билиб олгач, ҳар қандай уч ўрмада бўладиган ўзгарниш (бу ҳол ҳатточи битта ҳарф — асоснинг алмашиб, тушиб ёки қўшилиб қолишидан ҳам содир бўлиши мумкин) оқсилининг синтезланиши издан чиқишига олиб келишини тушупиш мумкин. Негаки, бунда ифодаларнинг ўқилиши бузилади, айни уч ўрмада ифодаланган аминокислота тегишли ўринда жойлашолмайди, унинг ўринини бошқаси эгаллайди. Бинобарин, ҳатто бир мононуклеотидда юз берадиган ўзгариш оқсилининг синтезланишида айнишга ва кейинчалик бундан келиб чиқадиган оқибатларга олиб келади. Мутациянинг, яъни ирсий белгиларда тўсатдан содир бўладиган ва кейинчалик наслдан-наслга узатиладиган кескин ўзгаришнинг кимёвий сабаблари ҳам худди мана шунда. Ирсий материалнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган бундай тафовут нормал шароитда эмас,


балки ичкарига чуқур кириб борадиган нур ва баъзи кимёвий моддалар каби одатдан ташқари кучли таъсир этувчи агентлар таъсир этгандагина содир бўлади. Ҳақиқатан ҳам, агар генетик модда озиқланишнинг хиёл бошқача бўлишига, салгина кимёвий ва механик таъсирга осонгина берилаверадиган бўлса, у ҳолда аввало ирсиятнинг ўзи бўлмас эди, қолаверса организмнинг шакли ва функцияси доимо алмашиниб турарди, организмга ҳамма вақт таъсир этиб турадиган турли-туман ташқи омилларга чидамлилик бўлмас эди.

Органик дунёнинг тарихий ривожланиш даврларида кечган кўпдан-кўп мутацион ўзгаришлар ўсимлик ва ҳайвонларнинг хилма-хил шаклини яратди. Мазкур ўзгаришлар эволюцион ривожланиш жараёнига ҳам маълум даражада ҳисса қўшди, чунки организмдан пайдо бўлган фойдали ирсий ўзгаришлар мустаҳкамланиб, яшаш учун кураш жараёнида энг ҳаётчан кучли индивиднинг пайдо бўлишига олиб келди.

Инсон, ўсимлик ва ҳайвонларнинг алоҳида индивида ўз-ўзидан (спонтан равишда) пайдо бўлган номаъқул ўзгариш ва унинг насл янгиланишида мустаҳкамланиши ирсий касаллик ҳисобланади. Бу ҳодисани ўрганиш ҳам генларнинг таъсирини янада тушуниб олиш учун зарур материал бериши аниқ. Биз бундай генетик бузилишларга тирозин алманишида иштирок этадиган бирор ферментнинг етишмаслиги оқибатида содир бўладиган алкаптонурия, шунингдек, гемоглобиндаги бир аминокислота бошқаси билан алманиши қолиши сабабли молекулаада кечадиган ўзгариш ёйсизон ҳужайра анемияси мисол бўлиши мумкин эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Мазкур касалликларнинг молекуляр табиатининг аниқланиши врач ва тадқиқотчиларда қатта таассурот қолдирди, шу билан бирга эксперимент йўли билан ҳосил қилинган мутация натижасида генлар структурасида бўладиган ўзгаришларни ўрганиш мақсадида кўплаб тажрибалар ўтказилишига олиб келди.

Табиийки, мутагенез (мутация яратиш) бўйича бактерия, замбуруғ, вирус ва фаглар каби объектларда тажриба ўтказиш осон. Уларда ҳосил қилинган мутацион ўзгаришлар бошқа анча мураккаб организмларда кечадиган бузилишлар учун bemalol андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тажрибалар учун фаглар ёки бактериялар вируси айниқса қулайдир. Фаг фақат оқсил

ва нуклеин кислотадан ташкил топган заррача бўлиб, унинг бош қисмида ДНК жойлашган думи (стержени) ва пўсти эса оқсил молекуласидан тузилган. Юқтиришда фаг ўзининг узун ДНК занжиридан иборат генларини бактерияга пуркайди. Кўп ўтмай бактериал ҳужайра ичидаги кўплаб ҳақиқий фаг заррачалари ҳосил бўлиши



29-расм. Бактериофагнинг тузилиши.

кузатилади. Сўнгра бактерия ҳалок бўлади ва ёш фаг заррачалари ташқарига чиқади.

Фаглар наслдан-наслга узатилиши мумкин бўлган бир қатор ирсий хусусиятлар билан бир-биридан фарқ қиласди. Фаглар жуда тез кўпайиши ва бактерияларда ўстирилганда ҳосил бўладиган колониялари ўз характеристига кўра осон кўзга ташланиши сабабли, улар генларнинг нозик структураларини ҳамда мутация механизмини ўрганишда бекиёс қулай андоза сифатида фойдаланилмоқда.

Бу соҳадаги машҳур ишлари билан танилган олим Крик ичак таёқчаларига юқадиган T₄ фаги устида ўтказган тажрибаларида полинуклеотид занжиридан айрим

асосларнинг тушиб қолиши ёки ортиқча пайдо бўлиш ҳодисасини пухта анализ қилди. Бензер худди шу вирусларни ўрганиш орқали генларнинг молекуляр табиатини, яъни улар тизма шаклида жойлашган неча юзлаб аниқ, чегараланган участкалардан иборат узун ДНК занжирининг маълум бўллаги эканлигини аниқлади.

Баъзи бир кимёвий агентлар, масалан, акридин бўёқлар, рентген ва бошқа ядро нурлари таъсирида, фагларни юқтириш йўли билан турли бактерияларда кескин ўзгариш рўй беришига эришиш мумкин. Бунда синалаётган обьектда янги — илгари табиий ҳолатида кузатилмаган — белгилар намоён бўлади. Мазкур ҳолда қўпинча биронта ферментнинг активлиги йўқолади — буни турли йўл билан билиб олиш мумкин. Тўплангандан кўпдан-кўп фактларни анализ қилган Бидл ва Татумлар ҳар бир ген битта ферментнинг синтезланишини назорат қилиб турари, деган муҳим хуносага келадилар. «*Бир ген — битта фермент*» номини олган мазкур қоида мутацион ўзгаришларни ўрганиш соҳасида ўтказилган ҳамма тажриба ва кузатишларда тасдиқланмоқда. Чиндан ҳам, алкаптонурия ва патологик гемоглобинда кузатилган аномаллик ҳамда мутацияга учраган микроорганизмларда ферментлар активлигининг ўзгариши мазкур қоиданинг ҳаққонийлигини исботлайди. Бироқ айrim молекулаларнинг синтезланишини издан чиқарадиган мутациялар ҳийла мураккаб ҳам бўлиши мумкин, чунки бундай жараёнлар одатда ҳар қайсиси алоҳида ферментни тезлаштирувчи оралиқ реакциялар қатори орқали кечади.

Модомики, ҳужайрада кечадиган барча биосинтетик жараёнларни ферментлар бошқарар экан, у ҳолда буларнинг барини генлар ҳам назорат қилиб туриши керак.

Полинуклеотидларда ёзилган ахборотларнинг тўғри ўқилишини бузилиши туфайли мутациялар механизми пайдо бўлиши ҳам Крикнинг T₄ фаглари устида ўтказган тажрибаларидан батафсил ўрганилган. Аввал айтиб ўтилганидек, бу ўзгариш хромосоманинг маълум участкасида бир ёки бир неча нуклеотиднинг камлиги (истисноланиши) ёки ортиқчалиги туфайли содир бўлади. Ахборотларнинг ўқилиши полинуклеотид занжирининг маълум нуқтасидан бошланганилигидан (ва ҳар гал учта ҳарфдан ўқилганидан) ўқилишида содир бўладиган ўзгаришнинг иккала кўриниши ҳам аслида бир хил

оқибатларга олиб келади. Чиндан ҳам ўқилаётган ифодалар ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ тарзида келса, у ҳолда битта ортиқча асоснинг бўлиши ифодаларнинг ўқилиш тартиби мана бундай бўлишига сабаб бўлади:

+Г

ЦАТ ЦАТ ГЦА ТЦА ТЦА ТЦА ТЦА

Битта асоснинг истисноланиши эса тартибни бундай ўзгартиради:

ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦАТ ЦТЦ АТЦ АТЦ АТЦ АТЦ АТЦ
Бир белги истисноланиб бошқа бири қўшилиши эса ўқилиш тартибининг қўйидагича бўлишига сабаб бўлади:

+Г -А

ЦАТ ЦАТ ГЦА ТЦА ТЦТ ЦАТ ЦАГ

Келтирилган мисоллар ген тушунчасининг мураккаб эканлигини кўрсатади.

Бензернинг ҳозирги вақтда генетикада қабул қилинган маълумотларига кўра, ген тушунчаси ироиятнинг рекомбинация (урчиш вақтида генларнинг жойланиши тартиби ўзгариши), мутация деб аталадиган ҳодисаларини ва шуларнинг оқибатида янги сифатлар шаклланishiга олиб келиш хусусиятини ҳам ўз ичига олади. Ирсиятнинг бу элементлари айнан бир хил эмас ва уларнинг ҳар бири функцияларига ва физик-кимёвий хоссаларига кўра ДНК молекуласининг маълум бўлагига мувофиқ келади.

ГЕН ВА БЕЛГИ

Агар ҳар бир ген маълум бирор оқсил — ферментнинг ўзига хос синтезланишини таъминлаш билан бирга ферментнинг синтезланишини ҳамда организмдаги бошқа кимёвий реакцияларни бошқарадиган бўлса, у ҳолда метаболик жараёнлар, ҳужайранинг ичидаги структурапар, эмбриондаги ривожланиш, дифференцияланиш ва организмдаги алоҳида белгилар устидан генетик назорат ўрнатиш яна ҳам мураккаброқдир. Шубҳасиз, организмнинг морфологик, функционал белгилари ва хусусиятлари ҳам ана шу назорат остида бўлади. Мазкур ҳолда белгилар нечоғли мураккаб бўлса, унинг генетик сабабларини билиб олиш ҳам шунчалик қийин бўлади. Қий-

инчилик шундан иборатки, бунда мураккаб белгиларнинг шаклланишида қўплаб генлар қатнашади, улар турлича ҳамкорликда бўладилар ва организмнинг турли ривожланиш даврларида қатъий навбат билан таъсир кўрсата борадилар. Бироқ генларнинг онтогенез босқичлари бўйича организм структурасига ва функцияларига кўрсатадиган таъсири нечоғли хилма-хил бўлмасин, оқибат натижада буларнинг ҳаммаси бирдан-бир жараёнга — оксилнинг синтезланишига таъсир кўрсатади. Ота-онадан ўтган генлар йиғиндинсининг янги организмга қўшадиган барча ҳиссаси худди ана шундан, яъни белгиланган вақт ва жойда, зарур миқдорда маҳсус оқсил синтезланишини таъминлашдан иборатdir.

Бироқ шу нарса ҳам шубҳасизки, ҳар қандай организм ҳам маълум муҳитда, ташқи шароит омиллари билан мустаҳкам боғлиқликда яшайди ва ривожланади. Агар эмбрионал ривожланиш даврида ташқи муҳитнинг ривожланиш учун информация манбани сифатидаги роли чекланган бўлса, туғилишдан кейин организмдаги кўп белгиларнинг шаклланишида, шу жумла дан ўсиш ва хусусиятларнинг таркиб топишида ва кўпайишида ташқи шароитнинг аҳамияти бекиёс ортади. Эмбрионал даврдан кейинги вақтда ирсий омиллар билан ташқи агентларнинг организм шаклланишига кўрсатадиган таъсирини алоҳида-алоҳида изоҳлаб бериш ҳозирча ҳал қилиш қийин бўлган муаммолардан бўлиб турибди.

Ҳар ҳолда хромосома текислигига бўладиган бўлинни жараённида ҳужайранинг ички муҳитида содир бўладиган ўзгариш ирсий хусусиятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши аниқ. Шу нарса ҳам маълумки, ҳарорат, баъзи кимёвий бирикмалар, шу жумладан айrim доридармонлар (масалан, ухлатувчи барбитуратлар) ҳаддан ташқари кўп берилганда, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш, яъни таъсири кўпинча оддий шароитда ҳам кузатиладиган ташқи муҳит омиллари мутацияга олиб келиши мумкин. Мутация механизмини ўрганиш ва мазкур жараённи бошқариш учун тажрибаларда мутация қўзғаш ючиғига эга бўлган кўп сонли ва хилма-хил кимёвий агентлардан фойдаланилмоқда. Нуклеин кислоталар тузилишида иштирок этадиган оралиқ модда синтезини тўсувчилар (ингибиторлар), нуклеин кислота таркибиға кирадиган азотли асослар (тимин, урацилнинг аналоглари) алкирланган, оксидловчи, тикловчи модда-

лар ва ақридин бүёқ каби кўпгина бирималар ана шулар жумласидандир.

Рентген, ультрабинафша нурлар ва ядро нурларининг бошқа ионловчи кўринишлари ҳам юксак мутаген кучга эга. Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари ва микроорганизмлардан мутантлар олишда радиация (рентген ва гамма нурлари)дан кенг фойдаланилмоқда. Чунончи, радиацион генетика ва селекция соҳасида дастлабки бир қатор натижалар қўлга киритилди. Шунингдек, пенициллин ишлаб берадиган мөғор замбуруғларнинг бир қанча самарали штаммлари олинганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўзбекистоннинг илмий текшириш институтлари, СССР Фанлар Академиясининг Сибирь бўлими, Украина ССР Фанлар Академияси биофизика институти ва бошқа муасссаларда ғўза ва микроорганизмларнинг бир қатор радиацион мутантлари олинди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН БИОЛОГИЯСИННИГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА БЕРАДИГАН САМАРАЛАРИ

Биология қишлоқ хўжалик ва медицина фанларининг назарий асосини ташкил этади. Биология соҳасида яратилган ҳар қандай йирик кашфиёт медицинада ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жiddий таъсир кўрсатмай қололмайди. Биология фанининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар деҳқончиликни рационал тарзда олиб бориш, ўсимликларни озиқлантиришни илмий асосга қуриш, чорва молларини бокиши, гибридланиши ва чатиштириш, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда кимё фани эришган ютуқлардан кенг кўламда фойдаланишга олиб келди.

Биология, қишлоқ хўжалиги фани соҳасида шундай назарий билимларга эга бўлдики, эндиликда шу асосда фан хуносаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ўйли биланоқ маҳсулотларнинг салмоғини сезиларли кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш мумкин бўлиб қолди.

Медицинага келганда аҳвол бошқачароқ. Бу соҳада назарий билимлар ва даволаш ишлари бекиёс юксак даражага кўтарилиди. Шундай бўлса ҳам, ҳали анчагина ҳаётий муҳим муаммолар ҳал қилиниши керак. Чунончи рак, вирус, юрак-томир ва наслдан-наслга ўтадиган ир-

сий касалликларнинг олдини олиш, даволаш, радиациянинг организмга таъсири, кексайиш ҳамда узоқ умр куриш ана шундай ҳаётий муҳим масалалар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси беистисно умумбиологик муаммолардир. Мазкур муаммоларни ечиш учун ҳаётий жараёнларни бошқаришнинг физик-кимёвий асосларини тадқиқ қилиш, ирсият, ўзгарувчанлик, ўсиш, кўпайиш, дифференцияланиш каби туб ҳодисаларда тўқима ҳамда ҳужайра функциялари ва морфологик ўзгаришларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган оқсил ва нуклеин кислоталарнинг бу ҳодисаларда иштирок этишини таъминловчи нозик механизмларни пухта ўрганиш талаб қилинади. Ҳаётнинг асосий кўринишларининг молекуляр механизмларини ўрганиш натижасида биология соҳасида очилган мана шу янги истиқболлар хатарли шишлар (рак), ирсий касалликлар ва вирусларнинг юқиши механизмлари, шунингдек, организмга чуқур кирадиган нурланиш таъсирини билиш учун энг самарали йўллар очиб беради.

Молекуляр биология эришган ҳозирги даражанинг ўзидаёқ, биз организмда содир бўладиган ана шундай салбий ўзгаришларнинг физик-кимёвий сабабларини изоҳлашимиз, кўпгина биологик ҳодисаларни миқдорий тахлил (интерпретация) қилиб табиатини тушунириб беришимиз мумкин. Молекуляр биология медицинанинг барча соҳаларига чуқур таъсир кўрсатган бўлса-да, бироқ ҳали биз ана шу жараёнларни бошқариш даражасига етганимиз йўқ. Организмнинг шаклланиши, ўсиши ва ривожланиши жараёнларини инсонга зарур томонга буриб юбориш учун модда алманинш ҳамда ирсиятни бошқариш масалалари ҳал қилиниши лозим бўлган биринчи даражали вазифалардандир. Лекин ҳаёт сирларининг шиддат билан штурм қилинини ва сўнгги 20—25 йил ичida бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар кўрсатиб ўтилган масалаларнинг кўп ўтмай самарали ҳал қилинишидан шаҳодат бериб турибди. Агар ўтган шу давр мобайнида молекуляр биология ирсият, оқсилларнинг синтезланиши, организмда энергиянинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши (трансформацияси), энергиядан физиологик жараёнларда фойдаланиш механизми, ҳужайрадан қўйи бўлакларнинг структура ва функцияларининг молекуляр тузилиши каби фундаментал ҳодисаларнинг сирларини очиб берган бўлса яқин келажакда у, биоло-

тиянинг хусусий проблемалариға оид асосий масалаларни ҳам ҳал қилиб беради.

Шубҳа йўқки, ҳаётий ҳодисаларнинг энг чуқур сирларини молекулалар даражасида ўрганиш соҳасидаги билимларимизнинг ортиб бориши натижасида яқин келажакда микроорганизмларнинг янги юқори маҳсулли штаммларини олиш, ўсимликларнинг янги навларини, ҳайвонларнинг маҳсулдор зотларини яратиш, рак ҳамда ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш, радиациянинг ва космосин забт этишининг биологик жиҳатларига оид амалий масалаларни ҳал қилишта олиб келади.

Шунингдек, молекуляр биологиянинг ривожланиши умуман биологиянинг тагин ҳам равнақ топишига йўл очади ва одам ақл-заковати асрлар давомида жавоб излаб келаётган чигал жумбоқлар — ҳаёт пима ва у Қандай пайдо бўлган, — деган саволга жавоб топишни янада яқинлаштиради.

Молекуляр биология биологик катализ принципларидан техника соҳасида фойдаланиб, белгиланган хусусиятга эга бўлган мураккаб молекулали полимерларни синтезлашга, жуда арzon йўл билан зарур органик молекулаларни яратиш учун фотосинтез механизмидаи ва азотни фиксациялашдан фойдаланишга замин яратиб бераётir. Маълумки, бу соҳада ҳозирдаёқ дастлабки самарали қадамлар қўйилди. Чунончи, саноатда баъзи материаллар ферментлар қимёси ва микробиологиянинг ютуқлари асосида, биологик йўл билан ишлаб чиқарилмоқда, ҳисоблаш машиналари, ҳаво ва денгиз кемаларини лойиҳалашда айrim орган ҳамда биологик системаларнинг функцияларидан, уларнинг структур тузилиши принципидан фойдаланилмоқда, бионика ва кибернетикани тагин ҳам ривожлантиришда ва бошқариш назариясини ишлаб чиқишида молекуляр биология ютуқларига асосланилмоқда. Озиқ-овқат ҳамда енгил саноатда биологик хом ашёнинг сифатини ва унинг ишланиш технологиясини яхшилашда фермент препаратлари шунингдек, кристалл ҳолидаги ферментлар кенг қўлланилмоқда. Чорва озуқаси сифатида ишлатиладиган оқсиллар, аминокислоталар, даволашда фойдаланиладиган антибиотиклар ва шу каби бошқа муҳим биологик бирикмаларни саноат йўли билан ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, тирик дунёда рўй бераётган энергия-

нинг трансформацияланиши, мураккаб бирикмаларнинг синтезланиши каби мукаммал принципларни техника соҳасида — ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиш учун улкан имкониятлар яратилмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЯҚИН КЕЛАЖАКДАГИ ВАЗИФЛАРИ

Биологик фанларнинг ҳозирги юксак даражаси, имкониятлари ва унинг тобора кенгайиб бораётган истиқболи биологиянинг кўпгина назарий ва амалий муаммоларини ҳај қилишни тақозо этади.

Ўзбекистонда ҳам биология фани ўсимликлар ва ҳайвон организмларнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилишда бир қатор муҳим ютуқларга эришилган: Ўрта Осиёдаги ўсимлик ва ҳайвон организмларининг барча турлари ўрганилди ва системага солинди, улардан фойдаланиш ҳамда турларини реконструкция қилиш юзасидан кўпгина қимматли тавсиялар ишлаб чиқилди. Ёввойи ўсимликларнинг янги фойдали навларини қидириб топиш ва уларни экинга айлантириш, саҳро ерларини ўзлаштиришда ўтловларнинг аҳволини яхшилаш ишлари сўнгги йилларда айниқса авж олиб кетди. Шунингдек, сув ўтлари ва содда — бир ҳужайрали организмларни ўрганиш, уларнинг керакли хусусиятларидан фойдаланиш соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Республика олимлари зоология фанининг айрим тармоқлари — умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси, гидробиология, паразитология, протистология каби фанларнинг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшдилар. Республикаизда микробиология фани сўнгги йилларда тагин ҳам илгари силжиди: тупроқдаги микроорганизмлар фаолияти, ўсимлик касалликларига ва заараркундаларига қарши курашнинг биологик воситалари, енгил саноатда биологик ҳом ашёни қайта ишлашда микробиологик жараёнлардан фойдаланиш, микроб ўғитлар тайёрлаш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Микробиологик жараёнлар натижасида биологик актив бирикмалар ва озиқбон оқсиllар олиш соҳасида қилинаётган ишлар ҳам дикқатга сазовор ҳисобланади.

Ўсимликлар физиологияси ва генетикаси, пахта, маккажӯхори ва бошқа экинларнинг янги навларини яратиш усуllарини ишлаб чиқиш, экиш олдидаи уругни ишлаш-

нинг янги усулларидан, микроэлементлардан ва баъзи органик бирикмалар (қаҳрабо кислота)дан фойдаланиб ҳосилдорликни ошириш соҳасида катта тадқиқот ишлари олиб борилаёттир.

Гибридлаш йўли билан ғўзанинг вилтга чидамли навларини яратиш ва вилтга қарши таъсири кимёвий дорилариги излаш соҳасида олиб борилаётган самарали ишлар ҳам айниқса диққатга сазовордир. Бундан ташқари, ғўзанинг радиация таъсирида генетик ўзгартирилган янги серҳосил ва йирик кўсакли навларини етиштириш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Селекция ва Уругшунослик институтида биология фанлари кандидати Ш. И. Иброҳимов «108-Ф» навига кобальтнинг гамма нурлари билан таъсири этилганда ҳосилдорлиги, кўсагининг йириклиги, толадорлиги, чигитининг вазни ва бошқа кўрсаткичлари дастлабки материалдан кескин фарқ қиласидиган ғўза наини яратишга муваффақ бўлди. 1960 йилда яратилган бу янги ғўза нави яхши сифатларини авлоддан-авлодга сақлаб келаётганлиги билан қимматлидир.

108-Ф 1-радиомутант


Кўсакнинг йириклиги, (%)	7,0	9,6
Тола (процент)	35,7	37,1
Толанинг узунлиги, (мм)	33,3	34,8
100 дона чигит вазни (%)	135,8	168,2

Бу қўлга киритилган натижалар ҳозирги замон генетикаси, радио-биология, биокимё, физиология ва бошқа фанларнинг чуқур назарий умумлашмаларига асосан яратилган.

Кимёгарлар билан биологларнинг қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш — мураккаб ўгитларни, янги дефолиантларни, ўсиш стимуляторларини, экин заараркунандаларига ва касалликларига қарши қўлланиладиган таъсиридан химикатларни яратиш ва синааб кўриш ишларида ҳамкорлик қиласидиганликларини ҳам мамнунилик билан кўрсатиб ўтиш керак.

Бироқ биологиянинг кўпгина соҳаларида эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, республикамида ҳозирги замон биологиясининг баъзи муҳим тармоқлари бўйича илмий текшириш ишлари орқада қолиб кетаётганлигидан қўз юмуш иотүғри бўлур эди. Ўзбекистонда биология фанининг умумий ривожланиши учун замин бўлиб хиз-


мат қиладиган биокимё, биофизика, цитология, генетика, вирусология, агрокимё ва буларга яқин турған бошқа фанларнинг баъзи тармоқлари ҳамон зарур даражада юксалтирилган эмас. Республикаизда табиатшуносликнинг кўрсатиб ўтилган бўлимларига юнид юксак экспериментал ускуналарга эга бўлган, ҳозирги замон фани



30-расм. Ш. И. Иброҳимов яратган
ғўза нави. а—108-ф нав ғўза,
б—1—радиомутант.

имкониятлари даражасида ишлай оладиган лабораториялар етишмайди. Шунингдек, республикада биокимё, биофизика, генетика, цитология, вирусология фанлари буйича мутахассис кадрлар ҳам кам. Ваҳолонки, табиатшуносликнинг бошқа тармоқлари, чунончи зоология, ботаника фанларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган кўпгина таниқли олимларимиз бор.

Энг сўнгги йилларда биологиянинг тез суръатлар билан равнақ топиши республикамизда бир қанча илмий тадқиқот лабораториялари ҳамда институтларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Масалан, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ботаника институтларида радиобиология, ўсимликлар биокимёси, дефолиантлар, гербицид-



Р1-расм. 108—ғ науғўза (а) билан I-радиомутант науғўза (б) пахта толаси. Технологик сифатининг қиёсий таърифи.

лар ҳамда ўсиш стимуляторлари лабораториялари, биокимё, вилтга чидамли генетика лабораториялари, медицина илмий-тадқиқот институтларида биокимё бўйича бир қатор ихтиосослаштирилган лабораториялар, УзССР ФА қошида мустақил микробиология бўлимни ташкил топди. Мазкур лабораториялар ҳамда бўлимларда оригинал илмий йўналишлар бўйича текшириш ишлари олиб борилмоқда, илмий ходимларнинг малакали

коллективи ўсиб етишди. Фан ва амалиёт учун муҳим бўлган бир қатор натижалар олинди. Биокимёгар ва биофизик ҳодимлар тайёрланмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг биокимё ва биофизика кафедрасида ҳайвонлар биокимёси, ўсимликлар биокимёси, биофизика бўйича ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Кўпгина мутахассислар республикамизнинг ўзида, шунингдек, иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида мазкур фанларнинг турли соҳалари бўйича стажировка ҳамда аспирантурани ўтамоқдалар.

1967 йилнинг ўрталарида республикамиз Зоология ва паразитология институтининг биокимё ҳамда биофизика бўлими билан Ўлка медицина институтининг биокимё лабораторияси бирлаштирилиб, улар асосида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биокимё институти ташкил этилди. Бу биокимё ва биофизика муассасалари ҳамда бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантиришда муҳим ҳодиса бўлди. Мазкур институтда ҳозир гормонлар биокимёси, оқсиллар биокимёси, нуклеин кислоталар биокимёси, энзимология тўқималар алмашинуви цито ва гистокимё, биофизика лабораториялари ишлаб турибди.

Қалқонсимон без гормонлари биосинтези, алмашиниши ва таъсир механизми борасида олиб борилаётган текширишлар, оқсиллар ҳамда нуклеин кислоталарнинг радиоцион — биокимёвий ўзгаришларининг, эндокрин безларининг радиация таъсири остида цитологик ҳамда функционал жиҳатдан издан чиқишлиарнинг аниқланиши, Ўрта Осиёда учрайдиган илон захарларининг фермент ва токсинларини соғ ҳолда олиб, уларнинг физикимёвий хоссаларини ва таъсир механизмини ўрганиш, ионларни актив ўтказилиш механизмининг баъзи томонларини ҳамда унинг ҳужайралар метаболизми билан боғланишини ва мазкур жараёнларга гормонал таъсирнинг тушунтириб берилиши мазкур лабораториялар эришган муҳим ютуқлар ҳисобланади. Шунга қарамай, республикамизда биокимёвий ва биофизик тадқиқотлар эндиғина кенг қулоч ёзиб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз ёш Биокимё институти олдида жатта ва масъулияти вазифалар турибди. Бундай вазифаларни ҳозирги замон молекуляр биологияси ҳамда биокимёсининг ниҳоятда юксак методик ва назарий чўққиларини эгалламай, уларга эришмай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Микробиологик фанлар ва биологиянинг бошқа экспериментал йўналишларини ривожлантиришда муҳим қадам қўйилганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Мустақил микробиология бўлимининг ташкил этилиши ва микроб препаратларни олиш учун замонавий микробиологик установка яратилиши, шунингдек Ўзбекистон ССР ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси институти учун ажойиб комплекс бинонинг қуриб берилиши Ўзбекистонда биология фанининг муҳим йўналишларини ривожлантириш учун кенг истиқбол очиб беради.

Хуллас Партия ва ҳукуматимизнинг фанни равнақ топтириш йўлида қилаётган ғамхўрликларига жавобан барча илм аҳллари қатори биолог олимлар ҳам ўз фанларининг барча соҳаларини, айниқса экспериментал тармоқларини юксалтиришда ҳали жўп ишлар қилишлари керак.

МУНДАРИЖА

Хозирги замон биологиясининг хусусиятлари	5
Электрон микроскопдан фойдаланиш	6
Ультрацентрифугалаш	8
Нишонли атомлар усулни	11
Молекуляр биология	13
Хужайрадан қуи даражада ташкил топган заррачалар структураси (субцеллюляр структура) ва функцияси	16
Рибосомалар	19
Митохондриялар, уларнинг структура ва функцияси	21
Организмлар ирсияти ва ўзгарувчанлиги	25
Классик ва молекуляр генетика	29
Мендель кашфиёти	30
Классик генетиканинг генларнинг таъсири тўғрисидаги кузатишлари	35
Хромосомалар ва ҳужайраларнинг бўлинниши	36
Генетикада молекуляр тасаввурларнинг пайдо бўлиши	43
Кимёвий молекулалар — ирсий белгиларни элитувчи-лардир	44
ДНК, хромосомалар ва генлар	46
Хужайрадаги нуклеин кислоталар	48
Нуклеин кислоталарнинг тузилиши	49
ДНК нинг ўз нусхасини яратиш механизми	53
Генетик информация оқими	56
РНК ва оқсил синтези	58
Оқсиллар — ҳаёт асоси	64
Ферментлар — биологик жараёнларни чинакам тезлатувчи-лардир	70
Генетик код	72
Рибосомаларда оқсиллар биосинтези	76
Оқсиллар биосинтезининг регуляцияси (идора қи-линиши)	80
Ирсии ва мутациялар	83
Ва белги	88
Хозирги замон биологиясининг ишлаб чиқаришга берадиган самаралари	90
Республикамизда биология фанининг яқин келажакдаги вазифалари	93

Тұрақулов, Е. Х.

Хозирги замон биологияси ва ирсият
масалалари. Т., «Фан», 1969.
99 бет, расм.

Туракулов, Я. Х. Современная биология
и вопросы наследственности.

На узбекском языке

Ялкин Ҳалматович
Туракулов

СОВРЕМЕННАЯ БИОЛОГИЯ
И ВОПРОСЫ НАСЛЕДСТВЕННОСТИ

Изд-во «Фан» УзССР
Ташкент — 1969

Мұхаррір Д.
Техмұхаррір А.
Корректор: О.

P15279. Теришга берилди 20/VIII-1969 я. Босишга рұксат
өтілді 21/XI-1969 я. Формати 84×108^{1/2}—1,56 қоғоз л.
5,12 босма л. Ҳисоб-нашириёт л. 4,5. Нашриёт № 135.
Тиражи 3000. Бағаси 18 т.

УзССР „Фан“ нашриётининг босмасынча, Черданцев кү-
часи, 21, Заказ 168, Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь
күчаси, 70.